

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

28-сон
(840)
2018 йил
16 июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

571. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июлдаги ПФ–5475-сон Фармони
572. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3724-сонли қарори)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги ПФ–5476-сон Фармони
573. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзи ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги ПФ–5477-сон Фармони

574. «Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сон Фармони
575. «Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 июлдаги ПҚ-3841-сон қарори
576. ««Бухоро-агро» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 июлдаги ПҚ-3843-сон қарори [Кўчирма]
577. «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги ПҚ-3846-сон қарори
578. «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сон қарори
579. «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон қарори
580. «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон қарори

Учинчи бўлим

581. «Маъмурий камоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 июлдаги 535-сон қарори

Бешинчи бўлим

582. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 28 майдаги 3-Б-сон «Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2798-1*)

583. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2018 йил 7 июндаги 44, 1/212-сон «Юк автотранспорт воситаларини «Қамчиқ» довонидан ўтиши ва ҳаракатланиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2391-1*)
584. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 21 майдаги 173-сон «Маълумотларни узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3038*)
585. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 5 июлдаги 11-2018-сон «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2686-2*)
586. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 27 июндаги 175-сон «Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041-2*)
587. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 22 июндаги 01-16-1-10/29, 319-В-3, 22-сон «Танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2181-3*)
589. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 367-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1740-1*)

590. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 368-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 505-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 7 июлдан 13 июлгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

571 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5414-сон, «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 13 апрелдаги ПФ–5415-сон фармонлари ва «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 7 майдаги ПҚ–3699-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Белгилансинки, 1-илованинг 2, 5, 10-бандлари, 11-банди «д» кичик банди, шунингдек, 2-илованинг 1 ва 2-бандлари 2018 йил 1 августдан эътиборан кучга киради.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 июль,
ПФ–5475-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 11 июлдаги
ПФ–5475-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 15 февралдаги ПФ–5343-сон Фармонининг рус тилидаги матнида:

2-банднинг еттинчи хатбошиси «органов» сўздан кейин «юстиции и» сўзлари билан тўлдирилсин;

3-банднинг тўртинчи хатбошисидан «поступающих от исполнительных действий» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банднинг тўртинчи хатбошиси «Бюро» сўздан кейин «и Инспекции по контролю за агропромышленным комплексом и обеспечением продовольственной безопасности при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасини ҳар йили ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги 2005 йил 8 ноябрдаги ПҚ–217-сон қарорига 2-илованинг рус тилидаги матни ўн олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2011 йил 10 августдаги ПҚ–1595-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

1-банднинг бешинчи хатбошисидан «комплексов и» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банднинг биринчи ва учинчи хатбошиларидан «(комплексов)», «(комплексам)» ва «(комплексы)» сўзлари чиқариб ташлансин;

3 ва 4-бандлар, шунингдек, 3, 3а, 5 — 5д-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ–2036-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матнида:

5¹-банд «Бюро принудительного исполнения» сўзларидан кейин «и Инспекции по контролю за агропромышленным комплексом и обеспечением продовольственной безопасности» сўзлари билан тўлдирилсин;

55-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Порядок ротации работников Бюро принудительного исполнения и Инспекции по контролю за агропромышленным комплексом и обеспечением

продовольственной безопасности при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан определяется директором Бюро и начальником Инспекции по согласованию с Генеральным прокурором Республики Узбекистан»;

қўйидаги мазмундаги 71¹-банд билан тўлдирилсин:

«71¹. Генеральный прокурор Республики Узбекистан вправе устанавливать с сохранением всех выплат, в том числе стимулирующих доплат и надбавок, действующих в органах прокуратуры, дополнительные:

ежемесячные персональные надбавки высококвалифицированным и инициативным работникам органов прокуратуры в размере не более двукратного фонда оплаты труда;

надбавки и выплаты, установленные законодательством для отдельных подразделений органов прокуратуры, работникам органов прокуратуры, имеющим наиболее высокие показатели в работе.

Расходы, связанные с реализацией мероприятий, предусмотренных настоящим пунктом, производятся за счет средств Фонда развития Бюро принудительного исполнения».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «XII Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 8 июндаги ПҚ–2544-сон қарорига 1-иловининг рус тилидаги матни ўнинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низомда:

7-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Юридик хизмат ходими ёхуд юрисконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёки Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс ишлаши мумкин.

Юридик хизмат бошлиғи лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёхуд Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган, шунингдек, юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс тайинланади»;

9-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юрисконсулт ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлган ёхуд Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс, шунингдек, олий таълим муассасасининг «Юриспруденция» мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалаврият босқичининг битирувчи курси талабаси ёки магистранти ишлаши мумкин».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 2017 йил 8 февралдаги ПҚ–2761-сон қарорида:

5-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш марказига» сўзлари «Адолат» ҳуқуқий ахборот маркази» ДУКга» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори 8-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда, мазкур устама ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ва устама ҳақларни ҳисоблаб чиқишда Бошқарма ходимларининг лавозим маоши таркибига қўшилади».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2932-сон қарорида:

а) 4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. ТДЮУга Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази ходимларига тариф ставкасининг 100 фоизигача миқдорида ҳар ойлик устамалар белгилаш учун тўлов-контракт маблағлари (ўқитишнинг таянч қийматидан ортган миқдори қисми бўйича) ҳисобидан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказининг олий таълим муассасалари педагог кадрларининг белгиланган даврийликни ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ харажатларини молиялаштиришга зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин»;

б) 7-бандда:

биринчи хатбошидаги «85» рақами «185» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «100» рақами «200» рақами билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

«Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази» блоки чиқариб ташлансин;

«Педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази» блоки «Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази» блоки билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида»ги 2017 йил 16 июндаги ПҚ–3067-сон қарорига 1-илованинг 5-позицияси чиқариб ташлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ–3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламентида:

а) 37-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг барча фармон ва қарорлари лойиҳалари лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилади»; иккинчи — бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 37¹-банд билан тўлдирилсин:

«37¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари лойиҳалари Девонга ҳуқуқий экспертиза яқуни бўйича уларни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хулосаси мавжуд бўлгандагина киритилади»;

в) 45-банднинг бешинчи хатбошиси «натijasи бўйича» сўзларидан кейин «лойиҳани қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) қуйидаги мазмундаги 54¹-банд билан тўлдирилсин:

«54¹. Девоннинг таркибий тузилмаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг концептуал қоидалари ўзгартирилганида, Адлия вазирлиги уларнинг ҳуқуқий экспертизасини белгиланган тартибда такроран ўтказди»;

д) 2-илованинг 71 ва 83-позициялари чиқариб ташлансин;

е) 3-илованинг I бўлими 15-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3240-сон қарориди:

а) 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «8» рақами «12» рақами билан алмаштирилсин;

б) 7-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Адолат» ҳуқуқий ахборот маркази» ДУК ва «Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» ДУКни молиялаштириш»;

ўн иккинчи — ўн бешинчи хатбошилар тегишинча ўн учинчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ–3408-сон қарорининг 14-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«14. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департа-

менти, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаши устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда пахта маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тайёрлаш ва чиқариш жараёнлари, шунингдек, тайёрланган пахта хом ашёси ҳажмларининг статистик ҳисоботлар ва мавжуд маълумотларга мувофиқлиги устидан тизимли ҳамда таъсирчан назорат ўрнатсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 12 декабрдаги ПҚ–3430-сон қарорининг 5-банди биринчи хатбошисидаги «бепул фойдаланиш» сўзлари «оператив бошқарув» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарорида:

а) 7-банднинг «д» кичик банди биринчи хатбошисидаги «Халқаро стандартлар бўйича юридик кадрларни касб-хунарга ўқитиш марказини» сўзлари «Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказини» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«нотариуслар томонидан пуллик хизматлар кўрсатишдан ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатларни амалга оширишдан келиб тушадиган маблағларнинг 80 фоизи миқдоригача қисмини нотариал идоралар ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устама ҳақлари ўрнатишга йўналтириш»;

в) 12-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошилариининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан лавозимга тайинланган ва адлия органлари ва муассасаларининг мартаба даражаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида амалда бўлган барча тўловлар сақланган ҳолда, татбиқ қилинади»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимлари учун — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади»;

г) 1-иловада:

8-банд қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази»;

ўн бешинчи хатбоши ўн олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

10-банднинг 8-кичик банди еттинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий «Йўл харитаси»ни тасдиқлайди»;

53-банднинг иккинчи хатбошисидаги «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 2-илова «Инсон ва қонун» газетаси тахририяти» ДУК» блокидан кейин «Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази» блоки билан тўлдирилсин;

е) 6-иловага изоҳнинг биринчи хатбошисидаги «бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 7-илованинг рус тилидаги матнида:

«в течение трех дней» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Утверждение «Дорожной карты» по организации исполнения и пропаганде НПА» сўзлари «Утверждение типовой «Дорожной карты» по доведению нормативно-правовых актов до исполнителей и разъяснению их сути и значения среди населения» сўзлари билан алмаштирилсин;

«определение роли и ответственности соответствующего государственного органа по исполнению конкретных пунктов акта» сўзлари «определение роли и ответственности соответствующего государственного органа по доведению и пропаганде акта» сўзлари билан алмаштирилсин;

«определение поэтапности действий по обеспечению исполнения акта» сўзлари «определение поэтапности действий по обеспечению доведения и пропаганды акта» сўзлари билан алмаштирилсин;

«организация исполнения акта на основе утвержденной «Дорожной карты»» сўзлари «методическое руководство и координация деятельности государственных органов и организаций районного уровня по доведению, исполнению и пропаганде нормативно-правовых актов» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 11 июлдаги
ПФ–5475-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармониغا илованинг V ва VI бўлимлари 5-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармониغا 4-илованинг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 7-ишчи гуруҳ таркиби 6, 31, 32 ва 50-бандлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2006 йил 9 мартдаги ПҚ–302-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 10 августдаги ПҚ–1595-сонли қарорига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги 2014 йил 14 июлдаги ПҚ–2208-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**572 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3724-сонли қарори)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3724-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 июль,
ПФ–5476-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 12 июлдаги
ПФ–5476-сонли Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритиладиган қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги ПФ–837-сонли Фармони билан тасдиқланган Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисидаги низомнинг 4-банди «электрон тижорат орқали реализация қилинган уч минг АҚШ долларигача бўлган товарлар (хизматлар) экспорти бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисобкитоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 9 августдаги ПФ–1504-сонли Фармони 5-бандининг биринчи хатбоши «товарларни (хизматларни) электрон тижорат орқали реализация қилиш ҳолатлари бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 июлда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ–2777-сонли қарорининг 1-банди қуйидагича мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Товар ва хизматларни электрон тижорат, шу жумладан интернет-дўкон ва электрон савдо майдончалари орқали реализация қилувчи электрон тижорат субъектлари ўз фаолиятларини электрон чек ёки ҳақ олинганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат юборишни таъминлайдиган виртуал терминалларни (E-POS) қўллаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

573 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзи ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 3 майдаги ПҚ–3693-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 июль,
ПФ–5477-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 12 июлдаги
ПФ–5477-сонли Фармонига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сонли Фармони 4-иловасидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари соҳасида давлат бошқаруви тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилишга оид таклифлар тайёрлаш бўйича 7-Ишчи гуруҳ таркиби» бўлимининг 8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. С.У. Умурзоқов — «Ўзчармсанот» Уюшмаси раиси».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича комиссияларнинг янгиланган таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 21 февралдаги ПФ–5357-сонли Фармони 4-иловасининг қирқ еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«С.У. Умурзоқов — «Ўзчармсанот» Уюшмаси раиси».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2016 — 2020 йилларда чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2016 йил 15 сентябрдаги ПҚ–2592-сонли қарори 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекчармпойабзали» сўзи «Ўзчармсанот» сўзи билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 6 январдаги ПҚ–2718-сонли қарори 1-бандининг ўн биринчи хатбошидаги «Ўзбекчармпойабзали» сўзи «Ўзчармсанот» сўзи билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» 2017 йил 18 январдаги ПҚ–2731-сонли қарори 2-иловасининг 16-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«16. С.У. Умурзоқов — «Ўзчармсанот» Уюшмаси раиси».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 15 июндаги ПҚ–3058-сонли қарориди:

а) номланишидаги «Ўзбекчармпойабзали» сўзи «Ўзчармсанот» сўзи билан алмаштирилсин;

б) қарорнинг барча матнидаги «Ўзбекчармпойабзали» сўзи «Ўзчармсанот» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 2-банди қўйидагича мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тошкент шаҳар ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Ўзчармсаноат» Уюшмаси биносига олиб борувчи йўлларни яратишни белгиланган тартибда таъминласин».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ–3403-сонли қарори 6-иловасининг «Мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар» бўлими қўйидагича мазмундаги 28-банд билан тўлдирилсин:

«28. «Ўзчармсаноат» Уюшмаси».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 мартдаги ПҚ–3603-сонли қарори 10-бандининг «в» кичик банди ва 17-бандидаги «Ўзбекчармпойабзали» сўзи «Ўзчармсаноат» сўзи билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 12 июлдаги
ПФ–5477-сонли Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика иқтисодиётининг чарм-пойабзал соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 23 февралдаги ПФ–2552-сонли Фармонининг 3-банди.

2. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 декабрдаги ПФ–4391-сонли Фармони 1-иловасининг 1-банди.

3. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 январдаги ПФ–4911-сонли Фармони 1-иловасининг 1-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**574 Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди, суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди, маъмурий судлар ташкил этилди, шунингдек, судьялик лавозимига муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартиби жорий этилди.

Барча тоифадаги суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиётининг кенгайтирилганлиги аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиқлигини ошириш йўлида кўрилган муҳим чора бўлди.

Шу билан бирга, суд ҳокимияти органлари фаолиятининг таҳлили улар зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаяпти ҳамда аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пасайишига олиб келмоқда.

Судьяларни моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими суд ҳокимиятининг алоҳида мавқеи ва обрўсига, судьялар мустақиллиги принципларига мувофиқ эмаслиги касбий ўсишни янада рағбатлантиришга тўсқинлик қилиб, кадрлар қўнимсизлигига олиб келмоқда.

Одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши ва Ўзбекистон Судьялар ассоциациясининг қуйидагилар орқали суд органлари фаолиятининг шаффофлигини янада таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш;

қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига тушунтирилишини суд амалиётига жорий этиш;

судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг холислиги ва шаффофлигига ишончни ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда судьялар корпусини шакллантиришга қўмаклашувчи комиссиялар тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши ва Молия вазирлигининг:

судларга мурожаат этишда давлат божларини тўлаш бўйича амалдаги имтиёзлар ва давлат божлари ставкаларини қайта кўриб чиқиш;

Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар, маъмурий, иқтисодий ва ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича давлат божлари ва жарималар тўлашдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушаётган суммаларнинг, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилган суммаларнинг, қарздорнинг мол-мулкани сотиш ҳисобига солиқ қарздорлигини ундириш бундан мустасно, 40 фоизи миқдорда ажратмалар белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қўйи судлар судьялари ва ходимлари ҳамда Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари 1 — 5-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 августдан бошлаб:

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра судлар, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари бир ярим барабар миқдорда қўлланилади;

малака даражаси ва мансаб даражасига эга бўлган судлар, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига алоҳида меҳнат

* 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шароитлари учун лавозим маошларига қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда лавозим маоши таркибига киритиладиган 50 фоиз миқдорида устама тўланади;

судлар, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг кўп йиллик хизматлари учун, лавозим маошларига (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти) устамалар ҳамда малака даражаси ва мансаб даражаси учун қўшимча ҳақ миқдорлари адлия органлари ходимлари учун белгиланган миқдорларга тенглаштирилади.

Ушбу банднинг амал қилиши давлат органлари ва ташкилотларидаги лавозимларга белгиланган тартибда, шу жумладан ушбу Фармон кучга киргунга қадар сайланган ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан тайинланган, шунингдек, судьялик малака даражаларига эга судьяларга ушбу давлат органлари ва ташкилотларида назарда тутилган барча устамалар ва қўшимча ҳақларни сақлаб қолган ҳолда татбиқ этилади.

Ушбу банднинг бешинчи хатбошисида кўрсатилган судьяларнинг давлат органлари ва ташкилотларида ишлаган вақти уларнинг ушбу орган ва ташкилотлардаги меҳнат фаолияти бошланган пайдан бошлаб судьялик стажига киритилади.

6. Ушбу Фармоннинг 5-бандида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар:

судлар, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари учун — Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

судьялар орасидан сайланган ёки тайинланган давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари ва ходимлари учун — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига Олий суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг юқори малакали, ташаббускор, хизмат мажбуриятларини ҳалол ва самарали бажараётган судьялари ва ходимларига Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 100 фоизигача миқдорда устама (пул таъминоти) тўлаш ҳуқуқи берилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, махсус унвон ва даражалар мавжуд бўлиши назарда тутилган назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлардан тайинланган (сайланган) судьяларга малака даражалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда 6-иловага* мувофиқ судьялар малака даражаларининг бошқа органлар унвонлари ва даражаларига нисбатини ҳисобга олган ҳолда, лекин эгаллаб турилган лавозим учун назарда тутилганидан юқори бўлмаган ҳолда берилади.

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди икки ой муддатда:

а) Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига судьялар ҳаёти ва соғлигини давлат томонидан мажбурий суғурталаш тартиби, шунингдек, уларнинг пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ва тартиби тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини киритсин;

б) Марказий банк билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларга автомобиллар сотиб олиш учун, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, қўйи судлар аппаратлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига эса уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар тақдим этишни назарда тутадиган таклифларни киритсин;

в) Судьялар олий кенгаши билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164–II-сонли қарори билан тасдиқланган Суд, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Ф. Камилов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 июль,
ПФ–5482-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 13 июлдаги
ПФ–5482-сонли Фармониغا
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4459-сон Фармонида:

а) 1 — 4 иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 5-илованинг «устама ҳақ миқдори» устунида «35» ва «10» рақамлари тегишли равишда «50» рақамлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–3240-сон қарорида:

а) 2-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «16» рақами «40» рақами билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошида «24» рақами «40» рақами билан алмаштирилсин;

б) 5-банд «судлар, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Департамент ва Марказ бинолари ва хоналарини қуриш ва таъмирлаш» сўзларидан сўнг «судларни транспорт воситалари билан таъминлаш» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**575 Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакатимизда сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, дарёлар, сойлар, жилғалар ва кўллар муҳофаза ҳудудларини ва ўзанларини (кейинги ўринларда дарё ўзани деб юритилади) тозалаш бўйича ишларни самарали ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан норуда фойдали қазилмалар мавжуд жойларда ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган субъектлар томонидан ўзанларни тозалаш ишлари жараёнида ноқонуний тарзда қум-шағал материалларини қазиб олиш ишлари давом этмоқда.

Шу ўринда, тадбиркорлик субъектларига бундай ишларни амалга ошириш имконияти бекор қилинганлиги уларнинг мавжуд техника ва жиҳозларининг ишламай туриб қолиши ва ички бозорда қум-шағал материалларининг нархи кескин ошиб кетишини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сел, тошқин ва ер кўчкиси хавфи бўлган ҳудудларда қирғоқни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш ишлари бўйича ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядларига дарёлар ва сойлар ўзанларини тозалаш ишларининг юклатилиши тўпланиб қолган ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун етарли бўлмаяпти.

Фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, дарё ўзанларини тозалаш жараёнида қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш, бу соҳада давлат-хусусий ҳамкорлигини ривожлантириш, шунингдек, ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3286-сон қарори асосида:

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сел, тошқин ва ер кўчкиси хавфи бўлган ҳудудларда қирғоқни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш ишлари бўйича ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядлари томонидан амалга оширилади;

ушбу ишларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ–585-сонли қарори билан ташкил этилган тошқин сувла-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 июлда эълон қилинган.

ри ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) қарори асосида бошқа ташкилотлар ҳам жалб этилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вазирлик ҳузурида дарёлар ўзанларини тозалаш жараёнида қум-шағал материалларини қазиб олиш бўйича буюртмачи сифатида «Хавфсиз дарё» давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда — «Хавфсиз дарё» ДУК) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. «Хавфсиз дарё» ДУКнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

дарё ўзанларини тозалаш жараёнида қум-шағал қазиб олиш ишларини олиб бориш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, улар бўйича давлат экологик экспертизаси хулосасини олиш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ходимлари билан биргаликда доимий равишда жойларга чиққан ҳолда дарёлар ўзанларини тозалаш ишлари олиб борилаётган участкалардаги ҳолатни ўрганиш;

шартнома асосида жалб этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан дарёлар ўзанларини тозалаш ишлари натижасида олинган қум-шағал материаллари ҳажмининг ҳисобини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда дарёлар ўзанларида қум-шағал материаллари тўпланиб қолган ва тозаланиши лозим бўлган участкалар рўйхатини тасдиқлаш учун Комиссияга киритиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

тўпланиб қолган қум-шағал материалларидан тозаланиши лозим бўлган дарё ўзанларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Геология ва минерал ресурслар давлат қўмиталари ходимлари томонидан олиб борилган ўрганишлар натижалари бўйича шакллантирилади;

Комиссия томонидан тасдиқланадиган рўйхатдаги майдонларда дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш «Хавфсиз дарё» ДУК томонидан «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончаси орқали ўтказиладиган танлов йўли билан амалга оширилади;

дарё ўзанларини тозалашда фақат қирғоқлар ювилишига ҳамда яқин ҳудудларни сув босишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ва сув оқимларига тўсқинлик қилаётган ўзанда йиғилиб қолган қум-шағал материаллари ҳажмини қазиб олинишига рухсат этилади;

дарё ўзанларини тозалаш жараёнида қум-шағал материалларини қазиб олиш ишлари мавсумий тарзда, ер участкаларини ажратмаган ҳолда амалга оширилади;

қум-шағал материалларини реализация қилишда тадбиркорлик субъект-

лари солиққа тортишнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда қазилма бойликлардан фойдаланганликлари учун ўрнатилган тартибда солиқ тўлайдилар;

дарё ўзанларини сифатли ва ўз вақтида тозаланишига «Хавфсиз дарё» ДУК масъулдир.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Хавфсиз дарё» ДУКнинг муассиси ҳисобланади;

«Хавфсиз дарё» ДУК директори ва унинг ўринбосари Фавқулодда вазиятлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади, ҳарбий хизматчи ҳисобланади ҳамда мақоми бўйича тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги марказий аппаратининг бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосари лавозимига тенглаштирилади.

6. «Хавфсиз дарё» ДУК ҳарбий хизматчилари қонунчиликда белгиланган озиқ-овқат, пул, кийим-кечак, турар жой таъминоти билан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланиши, шунингдек, пенсия, тиббий таъминот ва бошқа ижтимоий кафолатлар ҳамда имтиёзлардан фойдаланиши белгилаб қўйилсин. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига офицер таркибига кирувчи иккита қўшимча ҳарбий хизматчилар штат бирлиги ажратилсин.

7. «Хавфсиз дарё» ДУК директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

етарли даражадаги билим ва иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассисларни фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ҳолда ташкилий-штат тузилмасига ўзгартириш киритиш ва иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда юридик шахс мақомисиз, 4 нафардан ортиқ бўлмаган штат бирлиги билан ҳудудий бўлинмаларни ташкил этиш.

8. «Хавфсиз дарё» ДУК фаолиятини молиялаш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

«Хавфсиз дарё» ДУК билан тузилган шартномаларга асосан тадбиркорлик субъектлари томонидан дарё ўзанларини тозалаш натижасида олинган кум-шағал материалларининг (ишлов берилмаган) ҳар бир 1 куб.м. учун шартнома тузилган кунда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг икки фоизи миқдоридagi тўловлар;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Белгилаб қўйилсинки, «Хавфсиз дарё» ДУКнинг пул маблағлари фақат қуйидагиларга:

«Хавфсиз дарё» ДУКни сақлаб туриш харажатларига;

тадбиркорлик субъектларини дарё ўзанларини тозалаш ишларига жалб қилиш билан боғлиқ харажатларга;

«Хавфсиз дарё» ДУК ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сел, сув тошқини ва кўчки хавфли ҳудудларда қирғоқ мустаҳкамлаш, ҳимоялаш ва тиклаш ишларини бажаришга ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш доирасида моддий-техник таъминлашга йўналтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

«Хавфсиз дарё» ДУК Уставини, ташкилий-штат тузилмасини, штат жадвалини, харажатлар сметасини тасдиқласин ва унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

«Хавфсиз дарё» ДУКни хизмат хоналари, мебель, компьютерлар, алоқа, шунингдек, заруриятга кўра транспорт воситалари билан таъминласин;

«Хавфсиз дарё» ДУК фаолиятини самарали ташкил этишни юқори ҳамда профессионал даражада таъминлай оладиган малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

11. Комиссия тўпланиб қолган қум-шағал материалларидан тозаланиши зарур бўлган дарёлар ва сойлар участкалари рўйхатини тасдиқлагач, уларни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмиталарининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Геология ва минерал ресурслар давлат қўмиталари дарёлар ўзанларининг тозаланиши бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда мазкур ишлар натижасида олинган қум-шағал материаллари ҳисобга олиниши устидан қатъий назоратни ўрнатсин, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун қум ва шағалнинг ўрнини босадиган мавжуд муқобил қурилиш тош қазилма жойларини тақдим қилиш бўйича зарур шароитлар яратсин.

13. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари дарёларнинг ҳимоя зоналари, ўзанлари, кўллар, сув омборлари, каналлар, зовурлар ва бошқа сув объектларини тозалаш ҳамда уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларида иштирок этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмак кўрсатсин.

14. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

а) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги марказий аппаратининг янгиланган штат жадвалини тасдиқласин;

б) 2018 йил якунлари бўйича, кейинчалик заруратга қараб, «Хавфсиз дарё» ДУКнинг фаолиятини ва дарё ўзанларини тозалаш ишлари самардорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига таклифлар киритсин.

в) икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

«E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончаси орқали тадбиркорлик субъектларини дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига жалб қилиш тартибини тасдиқлаш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини;

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

каснинг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-нинг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири вазифасини бажарувчиси Т.А. Худайбергенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 июль,
ПҚ-3841-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**576 «Бухоро-агро» эркин иқтисодий зонасини ташкил
этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

[Кўчирма]

Ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни таъминлайдиган замонавий иссиқхона хўжалиklarини ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни шакллантириш, шунингдек, Бухоро вилоятининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, «Ўзбеккозиқовқатхолдинг» ХКнинг Бухоро вилоятида «Бухоро-агро» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда «Бухоро-агро» ЭИЗ деб юритилади) 1-иловага** мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Бухоро вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда «Бухоро-агро» ЭИЗ таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегаралари аниқ белгиланишини ва ерларнинг белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 июлда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

манфаатдор идоралар билан биргаликда илғор технологияларни қўллаган ҳолда замонавий иссиқхоналар қуриш учун конструкциялар ва жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган маҳаллий корхоналар ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Қўйидагилар «Бухоро-агро» ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий иссиқхона хўжалиklarини, жумладан, гидропоника технологияларини қўллаган ҳолда, кластер усули асосида ташкил этиш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб этиш, шунингдек, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар қуриш учун конструкциялар, жиҳозлар ва бошқа бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

худуднинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ишлашни чуқурлаштириш ва уларнинг экспорт ҳажмини ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг уруғдан то маҳсулотни бозорга етказиб беришгача бўлган тўлиқ жараёнини ташкил этишни рағбатлантириш;

кўчатзорлар, шунингдек, бирламчи уруғчиликни ташкил этиш учун шароитлар яратиш орқали иссиқхона хўжалиklarини талаби катта, юқори ҳосилдорликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғ ва кўчатлари билан таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш;

логистика хизматлари кўрсатишнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш субъектларига улар томонидан етиштирилган маҳсулотлар экспортини ташкил этишда кўмаклашиш;

иссиқхона хўжалиklarини ташкил этишда замонавий ресурс тежовчи технологияларни, муқобил иссиқлик энергиялардан фойдаланишни кенг жорий этиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этиш ва уларнинг хулосалари халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

иссиқхона хўжалиklари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, жумладан, улар томонидан «Бухоро-агро» ЭИЗ худудида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташда иштирок этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

«Бухоро-агро» ЭИЗ таркибига киритилган ер майдонлари Бухоро вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг бевосита тасарруфида бўлади;

«Бухоро-агро» ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати у ташкил этилган кундан бошлаб, мазкур муддатни кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади;

«Бухоро-агро» ЭИЗнинг фаолият кўрсатиши муддати мобайнида унинг худудида алоҳида солиқ ва божхона режимлари амал қилади;

«Бухоро-агро» ЭИЗ иштирокчиси мақоми Бухоро вилояти Эркин иқти-

содий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг қарори билан берилади.

5. Бухоро вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши:

а) бир ой муддатда «Бухоро-агро» ЭИЗ дирекциясини ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларини кўрсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Ўзбек-козиқовқатхолдинг» ХК ва тижорат банклари билан биргаликда:

«Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудида лойиҳалар амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектлари жалб этилишини, улар билан тизимли ишлар олиб борилишини, шунингдек, лойиҳаларни «Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудига жойлаштириш бўйича инвестицион буюртмаларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқирилишини;

тадбиркорлик субъектларига «Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудида амалга оширилиши режалаштирилаётган инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режаларини ишлаб чиқишда қўмаклашишни таъминласин.

6. «Бухоро-агро» ЭИЗ дирекцияси эркин иқтисодий зонанинг бутун фаолият кўрсатиши даврида асосий фаолият тури бўйича солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

7. «Бухоро-агро» ЭИЗ қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармонининг 3, 4 ва 5-бандлари қоидалари татбиқ этилсин.

8. «Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудида замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил этишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш ва амалга оширишга қўмаклашиш бўйича комиссия таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссиянинг (С.Холмуродов) асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича масъул ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, ушбу тадбирларнинг самарали, сифатли ва ўз вақтида бажарилишини ташкил этиш;

«Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий инвестицияларни, донор мамлакатларнинг, халқаро молия институтларининг кредитлари ва грантларини жалб этиш;

«Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудида лойиҳалар амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторлар излашга ҳамда жалб этишга қўмаклашиш, улар билан музокаралар олиб бориш, шунингдек, уларга ўз фаолиятини ташкил этишда зарур ёрдам ва қўмак кўрсатиш.

9. Белгилансинки, «Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш халқаро молия институтлари, лойиҳа ташаббускорлари маблағлари, жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда лойиҳа ташаббускорининг лойиҳани амалга ошириш учун жалб этилаётган ўз маблағлари микдори тегишли лойиҳа умумий қийматининг 25 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

10. «Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудида ташкил этилган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги «Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2718-сон қарорида белгиланган кредитлар тақдим этиш тартиби ва шартлари татбиқ этилиши белгилансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Асака» АТБ ва бошқа тижорат банкларига лойиҳа ташаббускорларида гаров таъминоти етарли бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда уларга технологик ускуналарни лизинг асосида харид қилиш имкониятини бериш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ «Бухоро-агро» ЭИЗ дирекцияси билан биргаликда «Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудини, шунингдек, унинг иштирокчилари ишлаб чиқариш майдонларини ташқи йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан кафолатли таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги:

Қурилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ҳар йили Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастури параметрларини шакллантиришда «Бухоро-агро» ЭИЗнинг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режаси асосида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун капитал қўйилмалар лимитларини ҳамда зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Бухоро вилояти ҳокимлигининг:

Бухоро вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясини «Бухоро-агро» ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича буюртмачи этиб;

«Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖни «Бухоро-агро» ЭИЗнинг бош режа-

сини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳалаш ташкилоти этиб белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

16. Бухоро вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ билан биргаликда икки ой муддатда «Бухоро-агро» ЭИЗнинг бош режаси лойиҳаси ишлаб чиқилишини ҳамда Бухоро вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Бухоро-агро» ЭИЗ иштирокчиларига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш учун логистика марказларини ҳамда божхона постларини қуриш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикаси, Корея Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Испания Қироллиги, Исроил давлати, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикасидаги элчихоналар ҳамда республиканинг хорижий давлатлардаги бошқа дипломатик ваколатхоналари зиммасига «Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудида лойиҳалар, жумладан, замонавий энергия тежовчи иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш бўйича лойиҳалар амалга ошириш учун хорижий инвесторлар, шунингдек, хорижий кредит линияларини жалб этишга қўмаклашиш мажбуриятини юкласин;

Бухоро вилояти ҳокимлигининг буюртмаларига биноан «Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудида яратиладиган замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш бўйича ишга жалб қилинадиган хорижий мутахассислар учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йўғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бухоро вилояти ҳокимлигининг буюртмаларига биноан «Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудида яратиладиган замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш бўйича ишга жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга давлат божлари ундирилмасдан кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бухоро вилояти ҳокимлигининг буюртмаларига биноан «Бухоро-агро» ЭИЗ ҳудудида ташкил этиладиган корхоналарда, жумладан, иссиқхона хўжаликларида ишлаш мақсадида республикага хорижий мутахассисларни жалб этиш учун белгиланган тартибда руҳсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, уларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, «Ўзбек-

озиковқатхолдинг» ХК, «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда замонавий энергия тежовчи иссиқхона комплексларини (иссиқхоналарни) улар жойлашган худуднинг (жойнинг) ўзига хос хусусиятларидан, иссиқхонанинг ихтисослашувидан ҳамда иссиқхона хўжалиги самарадорлигига таъсир этувчи бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда мақбул шароитларда ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқсин;

б) Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда:

бир ой муддатда иссиқхона хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари учун иссиқхона хўжаликларини бошқариш, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда экспорт қилиш масалалари юзасидан туркум ўқув семинарларини ташкил этсин;

замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини ҳамда инновацион ишланмаларни рағбатлантириш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги илғор тажрибаси асосида мутахассисларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чораларини кўрсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда иссиқхона хўжаликларидан энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ва оқилоналигини ўрганиш мақсадида уларни жойига чиққан ҳолда вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) кесимида атрофлича инвентаризациядан ўтказсин, унинг натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур йўналишдаги ишларни такомиллаштириш бўйича таклифлар билан бирга ҳисобот киритсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Р. Холмуродов, З.Т. Мирзаев, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Бухоро вилояти ҳокими Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 июль,
ПҚ-3843-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**577 Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Кейинги йилларда мамлакатда нефрологик касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Бир қатор республика ва барча вилоят тиббиёт муассасаларида беморлар умрининг анча узайишини ва уларнинг турмуш сифати ошишини таъминлайдиган гемодиализ бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, мавжуд аҳволнинг тахлили гемодиализ ёрдамига муҳтож бўлган беморларга тўлиқ тиббий хизмат кўрсатишга тўсқинлик қилаётган бир қанча ечимини қутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан:

биринчидан, тиббиёт муассасаларида гемодиализ олиш учун ўринларнинг умумий сони реал эҳтиёждан бир неча баравар кам, гемодиализ бўлинмаларининг ярмидан ортиғи мослаштирилмаган хоналарда жойлашган, кўпгина гемодиализ машиналарининг белгиланган фойдаланиш муддати ўтиб кетган;

иккинчидан, аҳолига юқори малакали нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш, шунингдек, буйракларни трансплантация қилиш бўйича минтақавий бўлинмаларга эга бўлган ихтисослаштирилган тиббиёт марказини ташкил этишга эҳтиёж мавжуд;

учинчидан, терминал ва ўткир буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморларни даволашнинг ягона стандартлари ва протоколлари жорий этилмаган, шунингдек, нефрологик касалликларнинг барвақт олдини олиш, уларга ўз вақтида ташхис қўйишнинг самарали тизими, беморларни танлаш ва гемодиализга юбориш тартиб-таомиллари йўлга қўйилмаган;

тўртинчидан, нефролог мутахассислар, гемодиализ шифокорлар ва гемодиализ бўлинмаларининг бошқа тиббиёт ходимларини тайёрлаш бўйича ягона дастур мавжуд эмаслиги сабабли шифокор-нефрологлар ва гемодиализ бўйича мутахассислар кескин етишмаяпти;

бешинчидан, нефрологик касалликларни даволашнинг замонавий тиббий инфратузилмасини яратиш ва ушбу соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан фойдаланилмапти;

олтинчидан, гемодиализ тиббиёт ускуналари ва сарфлаш материалларини олиб кириш ва сотиб олишни рўйхатдан ўтказиш, сертификатлаш ва рухсатнома олишнинг мураккаб ва шаффоф бўлмаган тартиб-таомиллари амал қилмоқда, бу бозорга киришни ва уларни ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни чекламоқда.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 июлда эълон қилинган.

Мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш ва камчиликларга барҳам бериш, шунингдек, замонавий инфратузилмани ривожлантиришни таъминлаш ва нефрологик касалликлардан азоб чекаётган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш бўйича фаолияти қоникарсиз, деб топилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатишни янада ошириш соҳасидаги асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасаларида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, олий тиббиёт таълим муассасалари клиникалари, республика кўп тармоқли шифохоналарининг етакчи мутахассислари иштирокида тизимли равишда аҳолини тиббий кўриқдан ўтказилишини ташкил этиш;

профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий ҳамда самарали усулларини жорий этиш йўли билан соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят ва туман даражаларида аҳолига ихтисослаштирилган, юқори технологик нефрологик тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш;

бўйрак патологиясининг барвақт олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш, мавжуд беморларни даволаш ва реабилитация қилиш бўйича ишларни ташкил этувчи интеграциялаштирилган тизимни соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражаларида яратиш, шунингдек, беморларга ташхис қўйиш, танлаш ва гемодиализга юбориш жараёнини халқаро амалиётга мувофиқ қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш йўли билан нефрологик касалликларга чалиниш ҳамда бу касалликлар сабабли вафот этишни камайтириш;

даволашнинг юқори технологик усуллари ва замонавий стандартларидан кенг фойдаланган ҳолда гемодиализ ёрдамга муҳтож беморлар умрининг узайишини ва уларнинг турмуш сифати ошишини таъминлаш;

тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида катта ёшдагилар ва болаларда бўйрак касалликларига ташхис қўйиш ва уни даволашнинг ягона замонавий стандартлари ва протоколларини жорий этиш, жумладан гемодиализ сеанслари учун мажбурий клиник протоколларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

нефрологик ва гемодиализ муассасаларини замонавий юқори технологик ташхис қўйиш ва даволаш тиббиёт усқуналари билан тўлиқ жиҳозлаш, уларни эҳтиёт қисмлар, гемодиализ учун сарфлаш материаллари билан узлуксиз таъминлаш ва тегишли қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш йўли билан нефрология ва гемодиализ муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

нефрологик касалликларнинг барвақт олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

аҳолига нефрологик ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш соҳасида хусусий секторни ва давлат-хусусий шерикликни жадал ривожлантириш.

3. Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар дастури деб юритилади) 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. Чора-тадбирлар дастури амалга ошириладиган муддатга 2-иловага* мувофиқ таркибда Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ижросининг боришини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ушбу қарор қоидаларини амалга ошириш, қўйилган вазифаларни бажаришда юзага келадиган муаммоларни ва уларни келтириб чиқарадиган шарт-шароитларни аниқлаш;

нефрология ва гемодиализ хизмати фаолияти, буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморларга юқори малакали ёрдам кўрсатиш бўйича тиббиёт ходимларига юкланган вазифалар бажарилишининг самарадорлиги устидан тизимли назорат олиб бориш;

сурункали буйрак касаллигига чалинган беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволашнинг ишлаб чиқилган стандартлари асосида нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасалари томонидан вазифалар бажарилиши жараёнини, жумладан жойларга бориб ўрганиш;

амалга оширилган тадбирлар материалларини, Комиссия қарорларини аниқланган камчиликларни ва тиббиёт муассасалари фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриш учун Вазирлар Маҳкамасига, прокуратура органларига ва бошқа органларга юбориш;

нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасалари фаолиятидаги тизимли камчиликлар ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, бундай ёрдам кўрсатишнинг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг:

Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси негизида Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказини ташкил этишни;

янги ташкил этилаётган Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази негизида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида «Нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси» кафедрасини ташкил этишни;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб магистратура ва клиник ординатура-

* 1-2-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг «нефрология» ва «болалар нефрологияси» мутахассисликлари бўйича янги йўналишларини очишни назарда тутувчи таклифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар нефрология шифохонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ташкилотларининг нефрология ва гемодиализ бўлинмалари Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг минтақавий ташкилий-методик бўлинмалари ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги уч ой муддатда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказини жойлаштириш учун Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси биносини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминласин.

7. «Соғлом авлод учун» фонди ва кенг жамоатчиликнинг сурункали буйрак етишмовчилиги билан касалланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, гемодиализ хизмати фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон диализ жамияти» нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзбекистон диализ жамияти» нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказишда қўмақлашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи «Йўл харитаси» тасдиқланишини таъминласин:

дастурий гемодиализ кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни жорий этиш, шунингдек, хусусий секторни ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатлар;

давлат-хусусий шериклик асосида гемодиализ хизматлари кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини қуриш, жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган таклифларни жорий этиш;

гемодиализ аппаратлари ва сарфлаш материаллари етказиб беришга зарур рухсатномалар беришнинг, хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан гемодиализ хизматлари кўрсатишнинг амалдаги тизимини тубдан соддалаштириш бўйича зарур чоралар кўриш;

гемодиализ хизматлари кўрсатиш тартибини, уни амалга ошириш усуллари тартибга солишни, шунингдек, ушбу соҳада давлат-хусусий шериклик шартномаларини тузиш, ижро этиш ва тугатишни назарда тутувчи гемодиализ хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги вақтинчалик низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) икки ҳафта муддатда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг тузилмаси ва

уставини ҳамда унинг минтақавий бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин;

б) уч ой муддатда:

нефрология ва гемодиализ бўлинмаларининг гемодиализ ускуналари паркини танқидий таҳлил қилсин, унинг яқунлари бўйича уларни янгилаш, шунингдек, гемодиализ бўлинмалари тармоғини кенгайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

дастурий гемодиализдаги беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг мажбурий клиник протоколларини тасдиқласин;

республика ва минтақавий тиббиёт муассасалари кесимида гемодиализ олишга беморларнинг тенг миқдорда бириктирилишини таъминласин;

республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳажмини, мутахассисларнинг функционал вазибаларини белгилаган ҳолда нефрология кабинетини ва бўлимини жиҳозлаш стандартларини назарда тутувчи нефрология ихтисослиги бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда сурункали буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморлар ҳисобини юритиш ва уларнинг мониторингини олиб боришнинг ягона электрон регистри механизмини жорий этсин;

г) Чора-тадбирлар дастури сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин, мониторинг натижалари тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

гемодиализ ўтказиш учун сарфлаш материалларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ва гемодиализ хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун хайрия маблағлари ва халқаро (хорижий) ташкилотларнинг грантларини жалб этиш юзасидан таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Соғлиқни сақлаш» тармоғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг ҳар йилги параметрларини шакллантиришда ушбу қарор билан тасдиқланган тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

давлат-хусусий шериклик асосида стандартлар ва нормативлар бўйича ўтказилган гемодиализ хизматлари учун ўз вақтида ҳақ тўланишини таъминласин;

гемодиализга муҳтож бўлган беморлар сонининг йиллик ўсишини ҳисобга олган ҳолда зарур гемодиализ ускуналари, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материаллари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган буюртманомалари

асосида ўз вақтида харид қилиниши учун бюджет маблағлари ажратилиши-ни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу қарорда назарда тутилган тадбирлар бажарилиши, шунингдек, ажратилган маблағлардан ўз вақтида, оқилона ва мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 июль,
ПҚ-3846-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**578 Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда мамлакатимизда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш ва инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг кўлами ва самарадорлиги нафақат мамлакатимиздаги инвестицион фаолликнинг ортиши билан, балки нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликлари томонидан берилаётган муносиб баҳо билан ҳам ўз исботини топмоқда.

Хусусан, сўнги 5 йил давомида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини 2 баравардан ортиқ яхшиланиб, мамлакатимиз жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 2012 йилдаги 166-ўрндан 2017 йилда 74-ўринга кўтарилди. Бундан ташқари, сўнги ҳисоботда мамлакатимиз бизнес юритиш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислоҳотчи мамлакатларнинг биринчи ўнталигидан жой олди.

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги бизнес юритиш учун мавжуд шарт-шароитлар халқаро нормалар ва стандартлар талабларига ханузгача тўлиқ жавоб бермайди. Айрим давлат органлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида эълон қилинган ислоҳотларнинг амалдаги ижросини етарли даражада таъминламаяпти.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар фаолиятининг аниқ мувофиқлаштириб борилмаслиги, шунингдек, улар раҳбарлари жавобгарлигининг паст даражадалиги сабабли айрим соҳаларда бизнес юритиш шароитларини яхшилаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалиётда рўёбга чиқариш устувор вазифалар ва ислоҳотларнинг ўзаро боғлиқ йўналишларини эътиборга олмасдан амалга оширилмоқда ҳамда барча ҳолларда ҳам кутилган самарани бермаяпти.

Энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамжамиятда мамлакатнинг ижобий қиёфасини шакллантириш, ҳудудларда бизнес юритиш шароитларини яхшилаш юзасидан якуний натижаларга эришиш учун ваколатли органлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида, шунинг-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 июлда эълон қилинган.

дек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Белгилаб қўйилсинки:

инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг стратегик мақсади — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатда 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботидаги (кейинги ўринларда «Бизнес юритиш» ҳисоботи деб юритилади) жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитларни яратишдир;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги «Бизнес юритиш» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ҳамда бу йўналишда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

2. Қўйидагилар:

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

ислохотларни сифатли амалга ошириш ҳамда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотларнинг рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари зиммасига ислохотларни сифатли амалга ошириш ҳамда «Бизнес юритиш» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг тегишли кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги:

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботидаги Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича «Йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва лозим даражада бажариш юзасидан давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни;

«Бизнес юритиш» ҳисоботидаги Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада ошириш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлар билан ўзаро амалий ҳамкорликни;

Жаҳон банки гуруҳи экспертлари ва «Бизнес юритиш» жамоаси билан Ўзбекистон Республикасининг ўрнини асослаш бўйича музокаралар ўтказиш учун ҳар йили идоралараро ишчи гуруҳни Вашингтон шахрига (АҚШ) юборишни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда энг

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

муҳим халқаро рейтингларни ва таркибий индикаторларни, уларни шакллантириш методологиясини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индексларда охириги икки йилда эгаллаб турган мавқеини чуқур ўрганишни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда тегишли халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг мавқеини яхшилаш бўйича аниқ таклифлар тайёрлашни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда ҳар йили:

февраль-март ойларида «Бизнес юритиш» ҳисоботини тайёрлаш доирасида Жаҳон банки экспертлари томонидан юбориладиган саволномаларни ўрганилаётган йўналишларда амалга оширилган ислохотлар ва қонун ҳужжатлари нормаларини инобатга олган ҳолда сифатли ва ўз вақтида тўлдиришни;

15 ноябрга қадар эълон қилинган «Бизнес юритиш» ҳисоботи натижаларини ўрганишни ҳамда у бўйича кейинчалик Жаҳон банки ва «Бизнес юритиш» жамоасига тақдим этиш учун ўрганилаётган ҳар бир йўналиш кесимида асослантирилган далиллар ва статистик маълумотлардан иборат шарҳларни тайёрлашни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда:

«Бизнес юритиш» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари ҳақида ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиб борсин, кейинчалик тегишли йўналишларда бизнес юритиш учун шарт-шароитларни яхшилашни таъминламаган раҳбарларга нисбатан чора кўриш юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичи рейтинг тузиш методологияси талабларига мувофиқлигини баҳолаган ҳолда «Бизнес юритиш» ҳисоботларини танқидий ўрганиб борсин ва ҳар йили 1 декабрга қадар «Бизнес юритиш» ҳисоботида республиканинг алоҳида кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида ишбилармонлик муҳити ва қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»ни Ўзбекистон Республикаси Президенти дево­нига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича «Йўл харитаси»га мувофиқ амалга ошириладиган тадбирлар ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия ташкилотларининг техник қўмаги, грантлари ва кредитларини жалб этиш юзасидан зарур ташкилий-амалий чора-тадбирларни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ҳамда «Бизнес юритиш» ҳисоботи йўналишлари юзасидан қонун ҳужжатлари талабларининг амалиётга жорий этилишини ҳолисона баҳолаш учун ҳар йили тадбиркорлик субъектлари ўртасида, шу жумладан уларнинг мурожаатларини қабул қилиш, қайта ишлаш, кўриб чиқиш ва таклифларини муҳокама қилиш бўйича махсус портал орқали сўровлар ўтказсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича «Йўл харитаси»ни амалга ошириш доирасида қонун ҳужжатлари талабларининг амалиётга жорий этилишини тизимли равишда ўрганиб борсин, бунда тасдиқланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминламаган ҳамда кечикишларга йўл қўйган давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан аниқ таъсир чораларини қўлласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Садиқов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 июль,
ПҚ-3852-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**579 Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижалари-
ни тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакатимизда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, илмий-техникавий ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратишда мавжуд молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2014 — 2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни молиялаштириш учун қарийб 800 миллиард сўм ажратилиб, уларнинг натижаларига кўра илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан 700 дан ортиқ ихтиро патентлаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши мамлакат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижаларини тижоратлаштиришда мавжуд салоҳиятдан янада тўлиқ фойдаланиш заруратини тақозо этмоқда.

Бирок, илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларидан амалда фойдаланишнинг таҳлили уларни яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва жорий этиш жараёнида тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда, хусусан:

биринчидан, охириги 5 йил ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган ва патентланган ихтиролар сонининг йилига 0,5 фоизини ташкил этувчи тижоратлаштириш даражаси етарли эмас;

иккинчидан, чоп этилган илмий мақолалар ва яратилган интеллектуал мулк объектлари сони илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиб қолмоқда, бунда уларни жорий этиш натижалари ҳисобга олинмаяпти;

учинчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари уларнинг тасарруфидаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижалари учун, шунингдек, илмий-техникавий дастурларга давлат маблағлари сарфланишининг самарадорлиги учун лозим даражада масъулиятни намоён этмаяпти;

тўртинчидан, илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг, шу жумладан, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмалар рўёбга чиқарилишида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари иштирокини рағбатлантиришнинг самарали воситалари жорий этилмаган;

бешинчидан, амалдаги стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ти-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 июлда эълон қилинган.

зими илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этишни таъминламаяпти.

Маҳаллий илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни жадал жорий этишни таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини кучайтиришда илм-фан ҳиссасини ошириш, шунингдек, илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг истиқболли маҳаллий ютуқларини илгари суришнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда муассасалар деб юритилади) илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш соҳасидаги асосий вазифалари этиб ҳисоблансин:

республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини жадал ва кенг жорий этиш;

фанлараро алоқаларни, шу жумладан, халқаро фанлараро алоқаларни шакллантириш жараёнларини рағбатлантириш, қўшма дастурлар ишлаб чиқиш ва жамоаларни яратиш;

илмий ва илмий-техникавий фаолиятни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг аниқ вазифаларини ҳал этишга, шунингдек, ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган амалий натижаларни олишга йўналтириш;

юқори технологияли ишлаб чиқаришларни яратишга хизмат қиладиган юқори технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида инновацион тадқиқотларни олиб бориш;

тадқиқотларни мамлакатни изчил ривожлантириш бўйича замон талабларига жавоб берадиган, тижоратлаштириш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ва технологияларни жадал ишлаб чиқишга йўналтириш.

2. Қуйидагилар илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг асосий усуллари этиб белгилансин:

илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларидан фойдаланган ҳолда яратилган товарларни (бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни) реализация қилиш ёки ушбу натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

тижорат ташкилотларини ташкил этиш, бунда уларнинг таъсисчиларидан бири устав фондига ҳисса сифатида интеллектуал мулк объекти ёки тайёр технологияни киритган муассаса (ёки ихтисослаштирилган аффилиланган ташкилот) ҳисобланади;

интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқларини учинчи шахсларга ўтказиш ва мазкур объектлардан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаларини тузиш орқали, шу жумладан, уларни кейинчалик ушбу ҳуқуқлар олувчиси томонидан тижоратлаштириш шарти билан бериш.

3. Вазирлик ва идоралар томонидан шартнома асосида харид қилиш орқали тижоратлаштириладиган ишланмалар рўйхати иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки, иловада кўрсатилган ишланмаларни ўз вақтида тижоратлаштирмаганлиги ва сифатсиз тижоратлаштирганлиги учун уларни жорий этишга жавоб берадиган шахсларга нисбатан уларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима шаклида интизомий жазо чоралари қўлланилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган параметрларини шакллантиришда «Илм-фан» моддаси бўйича ажратилаётган маблағлар доирасида қуйидагиларни амалга ошириш учун маблағларнинг камида 20 фоизи йўналтирилишини назарда тутсин:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, шу жумладан давлат-хусусий илмий кластерларини яратишга, илмий-техникавий тадқиқотларни республика иқтисодиёти тармоқлари ва минтақалари эҳтиёжларига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш;

илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришга, шу жумладан бюджет маблағлари олувчилар фаолиятини тегишли маслаҳатчилар томонидан экспертизадан ўтказиш, қўллаб-қувватлаш, халқаро стандартларга мувофиқ бизнес-режаларни тайёрлашга грантлар ажратиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг 2018 йил 1 октябрдан бошлаб қуйидагиларга қўшимча бир марталик мукофотлар жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

патентланган интеллектуал мулк объектлари муаллифларига муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида;

муаллифлар ҳамда илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқиш ва тижоратлаштиришда иштирок этган илмий жамоага уларни тижоратлаштиришдан муассаса ҳисобига келиб тушаётган маблағларнинг тегишли равишда 40 ва 30 фоизи миқдорида.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича давлат илмий-техник дастурларини бажариш доирасида муассасалар томонидан яратилган илмий ва илмий-техникавий фаолият натижалари, давлат илмий-техник лойиҳалар яқунланганидан ва (ёки) улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейин тижоратлаштирилиши лозим, фундаментал тадқиқотлар натижалари, шунингдек, гуманитар ва ижтимоий фанлар соҳасидаги лойиҳалар бундан мустасно;

муассасаларнинг илмий кенгашлари ишлаб чиқариш сири (ноу-хау) ёки тижорат сири режимида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг интеллектуал (номоддий) натижасини кўриқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига илмий ва илмий техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш учун

мунтазам равишда инвестицияларни жалб қилишни таъминлаш масъулияти юклатилсин.

8. Хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналарига самарасиз ва маънавий эскирган инфратузилмани алмаштириш, шунингдек, атроф-муҳитни ифлослантириш даражасини пасайтириш имконини берадиган янги техника ва экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш билан боғлиқ тадбирларни фаол молиялаштириш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

а) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда илғор хорижий тажриба ва миллий амалиётни ўрганиш натижалари асосида қуйидагилар тасдиқланишини назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом;

тижорат сири режимида қўриқланадиган интеллектуал мулк объектларига, шу жумладан патентлаш имкониятига эга бўлган техник ечимлар ва ишлаб чиқариш сирларига (ноу-хауларга) бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш ва бериш тўғрисидаги низом;

муаллифлар ҳамда илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқиш ва тижоратлаштиришда иштирок этган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий жамоаларига қўшимча бир марталик мукофотларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом;

б) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг тижоратлаштирилган натижалари сонини асосий мезонлардан бири сифатида назарда тутган ҳолда муассасаларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқаришда жорий этишга тайёр илмий ва илмий-техникавий натижаларни тижоратлаштириш учун техник-иқтисодий асосларни тайёрлашда муассасаларга қўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган интеллектуал мулк объектлари бўйича ахборотнинг «Инновацияларнинг виртуал ярмаркаси» интерактив интернет-порталини янгилаш учун доимий асосда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

инновацион маҳсулотларга доир давлат стандартлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг буюртмаларига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузуридаги стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар томонидан ишлаб чиқилади;

инновацион маҳсулотларга доир давлат стандартлари истиқболда анъа-

навий технологиялар имкониятларидан илгарилаб кетадиган бошланғич талаблардан иборат бўлиши ва халқаро стандартларга ёки ривожланган хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига мос келиши лозим;

тажриба ва серияли ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида янги инновацион маҳсулотларга давлат стандартларини рўйхатдан ўтказиш ва сертификатлар олишга қилинган харажатлар Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги муассасалар томонидан илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини хорижда тижоратлаштиришга, шунингдек, уларни халқаро бозорларда илгари суришга дипломатик воситалар орқали кўмаклашсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳар (туман)лар ҳокимликлари ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари билан биргаликда республика олимларининг илмий-амалий ва инновацион лойиҳалари ҳамда ишланмалари учун хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалари портфелини шакллантирсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 июль,
ПҚ-3855-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**580 Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни
такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-
тадбирлари тўғрисида***

Республикада ҳар йили аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқланган дастурларни амалга ошириш, бўш ва квоталанган иш ўринларига ишга жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш, ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шакллари ривожлантириш борасида таъсирчан чоратадбирлар кўрилмоқда.

Аҳолининг ишчанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга, ижтимоий заиф қатламлар бандлигини таъминлашга, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти, сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунга қарамай, ҳудудлардаги меҳнат бозорида ҳали-ҳамон юқори даражада кескинлик сақланиб қолмоқда, доимий иш ўринларини ташкил этиш, ёшлар, хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини, айниқса, қишлоқ жойларда таъминлаш, шунингдек, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш масалалари ҳал этилмапти.

Ишга жойлаштириш соҳасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кредит, молиявий, маслаҳат-ахборот бериш хизматлари ва бошқа зарур хизматлар даражаси пастлигича қолмоқда.

Ишлаб чиқариш кадрлари кўпинча иқтисодиёт тармоқларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини, уларнинг имкониятлари ва ресурсларини ҳисобга олмаган ҳолда касбга тайёрланмоқда ва қайта тайёрланмоқда. Оқибатда меҳнат бозорида айрим мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тақчиллиги кузатилмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат органлари ишлари самарадорлигини ошириш, аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга доир «Йўл харитаси» иловага* мувофиқ маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 июнда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда Бандликка кўмаклашиш жамғармаси деб юритилади) учун 2018 йилда Республика бюджетига қўшимча тушумлар ҳисобига 150 миллиард сўм ажратилади, 2019 йилдан бошлаб эса бюджет параметрларида 300 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағлар ажратиш назарда тутилади;

2018 йил 15 июлдан бошлаб Меҳнат органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Меҳнатни рағбатлантириш жамғармаси) маблағларини шакллантириш манбалари Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалари ҳажмларининг 5 фоиздан 10 фоизгача оширилиши ҳисобига кенгайтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг бўш қолдиқларини тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштиришдан тушадиган 50 фоиз миқдордаги даромадлар Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига йўналтирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг давлат муассасалари шаклида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузурида янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларини (кейинги ўринларда — ҳудудий жамғармалар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар ҳудудий жамғармалар маблағларини шакллантирувчи манбалар этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогноз параметрларини ошириб бажаришдан ҳар ойда тушадиган 40 фоизгача бўлган миқдордаги даромадлар;

маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари ҳамда беғараз ёрдами;

хайрия қилувчилар — жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг белгиланган тартибда тақдим этиладиган маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Қуйидагилар ҳудудий жамғармаларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

айниқса, қишлоқ жойларда доимий иш ўринлари ташкил этувчи тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш учун республиканинг тижорат банкларида кредит линиялари очиш;

ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, айнақса, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи корхоналарни ташкил этиш,

бунда ҳудудий жамғармаларнинг ташкил этилган корхоналардаги улушини хусусий шерикларга кейинчалик реализация қилиш шартини назарда тутиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорлари бўйича иш ўринлари ташкил этишга ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. Ҳудудий жамғармалар даромад қисми бўйича барча турдаги солиқлар ва давлат мақсади жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин, бўшаб қолган маблағлар ҳудудий жамғармаларнинг асосий вазифаларини амалга оширишга йўналтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳудудий жамғарманинг намунавий устави тасдиқланишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда ҳудудий жамғармалар уставларини тасдиқланган намунавий устав асосида тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

а) ушбу қарорнинг 2 ва 3-бандларига мувофиқ шакллантириладиган Бандликка қўмаклашиш жамғармасига Республика бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи ва ҳудудий жамғармаларнинг маблағлари, асосан, «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва «Халқ банки» АТБда кредит линияларини очиш ва кейинчалик мазкур банклар томонидан республика туманлари ва шаҳарларида янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик ва мини-лойиҳаларни амалга ошириш учун микрокредитлар ажратиш мақсадида йўналтирилади;

б) микрокредитлар кичик тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжаликларига, оилавий тадбиркорлик субъектларига куйидагилар учун ажратилади:

шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида иссиқхоналар ташкил этиш, уруғликлар, кўчатлар, чорва моллари ва паррандалар, қишлоқ хўжалиги инвентари ва усқуналари, суғориш мосламалари (насослар, артезиан қудуқлари ва бошқалар) харид қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун замонавий мини-усқуна ва хом ашё харид қилиш;

хизмат кўрсатиш соҳасида, айниқса, маиший, таъмирлаш, таълим, тиббий, ахборот-коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналар ташкил этиш ва жиҳозлаш;

қишлоқ туманларида, айниқса, хотин-қизлар ўртасида касаначиликни ривожлантириш;

туман ва шаҳарларнинг ишлаб чиқариш ихтисослашуви, мавжуд минерал хом ашё, ер, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ресурсларни ҳисобга олган ҳолда бошқа йўналишлар;

в) микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача бўлган миқдорда 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, Ўзбекистон Рес-

публикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси, шу жумладан, тижорат банкининг ажратиладиган кредит ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги маржа билан тақдим этилади.

Бунда микрокредитлар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида рўйхатга олинган ишсиз шахсларга, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга, турмушида оғир ҳаётӣй вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, кам таъминланган оилаларнинг аъзоларига ва аҳолининг бошқа ижтимоӣй эҳтиёжманд қатламларига гаров таъминотисиз энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоридан ошмаган ҳажмда ажратилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур банднинг «в» кичик банди иккинчи хатбошисидан назарда тутилган микрокредитларни ажратиш тартибини тасдиқласин.

7. Белгилансинки:

кишлоқ туманларида, бундан аҳоли сони 5 минг кишидан кўп бўлган аҳоли пунктлари мустасно, сартарошхона хизматларини, якка тартибдаги буюртмалар бўйича кийим тикиш хизматларини, пойабзал таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни ташкил этган, шунингдек, жамоат ҳаммомларини ташкил этган якка тартибдаги тадбиркорлар 2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқлар тўлашдан озод этилади;

якка тартибдаги тадбиркорлар ҳар бир ёлланган ходимга тўланадиган қатъӣй белгиланган солиқни тўлашдан озод этилади;

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъектлари 3 нафаргача доимӣй ишчиларни ёллашга, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган болалари ва невараларининг эр-хотинларини, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган ака-укалари ва опа-сингилларини, уларнинг эр-хотинларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъекти иштирокчилари сифатида жалб қилишга ҳақли;

ушбу қарорнинг 6-бандига мувофиқ биринчи марта микрокредит олган якка тартибдаги тадбиркорлар уни олган санадан бошлаб 6 ой мобайнида қатъӣй белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади;

якка тартибдаги тадбиркорлар 3 тоннадан ортиқ юк кўтарувчи автомобиль транспортида юкларни энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридаги ставка бўйича ташиш хизматларидан ҳар ойда олинадиган қатъӣй белгиланган солиқ тўлайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги 2018 йил 1 августдан бошлаб Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига қуйидагиларга бир марталик субсидиялар берилишини назарда тутадиган ишсизлик бўйича суғурталаш тизimini жорий этсин:

аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида рўйхатдан ўтган ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳловчи ишсиз шахсларга якка тартибдаги

тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун харажатларни энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида тўлаш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига мансуб шахсларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни захираланган (квоталанган) энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга — ҳар бир қабул қилинган ходим учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида тўлаш. Бунда ишга қабул қилинган мазкур тоифадаги шахсларнинг бандлигини энг кам сон (квота) ошган санадан бошлаб камида 12 ой давомида сақлаш шarti назарда тутилади;

иш берувчиларга — аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига мансуб ходимларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни касбга қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни молиялаштиришга ҳар бир ходим учун энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида тўлаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни, айниқса, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан касб-хунар таълими муассасаларига грантлар ажратилишини;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида катта синф ўқувчилари учун улар эгаллашни хоҳлаган касбларнинг асосий хусусиятлари ва касб стандартларини таърифловчи мультимедиа воситалари билан жиҳозланган ситуацион хоналарни ташкил этган ҳолда касбга йўналтириш курсларини ўтказишни назарда тутадиган касбга йўналтириш дастурини жорий этиш масаласи ишлаб чиқилишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг тасдиқловчи маълумотлари ва фуқароларнинг аризалари асосида шахсий томорка хўжаликларида ишловчи фуқароларни банд бўлган шахс сифатида ҳисобга олиш механизми жорий этилишини;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон

Республикасининг молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 июль,
ПҚ-3856-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

581 Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 июль,
535-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 июлда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 13 июлдаги 535-сон қарорига
ИЛОВА

**Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус
қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни
ундириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

махсус қабулхона — ички ишлар органлари тизимига кирадиган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус муассаса;

махсус қабулхона маъмурияти — махсус қабулхонани бошқаришни амалга оширувчи махсус қабулхона бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

маъмурий қамоққа олиш — маъмурий жазо тури бўлиб, у шахсни жамиятдан вақтинча ажратиб қўйиш шароитларида сақлашдан иборат ва уч суткадан ўн беш суткагача бўлган муддатга, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун ўттиз суткагача бўлган муддатга қўлланилади;

маъмурий қамоққа олинган шахс — ўзига нисбатан маъмурий қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарилган фуқаро.

3. Маъмурий қамоққа олинган шахслардан туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича судьясининг, шунингдек, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса, ҳарбий комендантнинг ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарорига кўра, махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар суткасига энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдоридан ундирилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Маъмурий қамоққа олинган шахс маъмурий қамоқни ўташи вақтида ишлаган ва шу тариқа ўзининг махсус қабулхонада сақланиши билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаган ҳолларда ундан харажатлар ундириб олинмайди. Маъмурий қамоққа олинган, меҳнатга қобилиятсиз шахслар ҳам бу харажатларнинг ундирилишидан озод қилинади.

5. Айрим ҳолларда муайян ҳолатлар, маъмурий қамоққа олинган шахсининг моддий аҳволи ва шахси ҳисобга олинган ҳолда, у махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар ундирилишидан туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича судьясининг, шунингдек, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса, ҳарбий комендантнинг ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарорига кўра озод қилиниши мумкин.

6. Маъмурий қамоққа олинган шахслардан махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ ундирилган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадига ўтказилади.

2-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундиришни ташкил этиш

7. Маъмурий қамоққа олинган шахс махсус қабулхонага олиб келинган куни унга нисбатан махсус қабулхона навбатчиси томонидан йиғма жилд юритилади.

8. Навбатчи кун давомида қабул қилинган шахсларнинг йиғма жилдлари ва маъмурий қамоққа олинган шахслардан олинган қимматбаҳо буюмларини жамлаб, махсус қабулхона бошлиғи томонидан тайинланган махсус қабулхонанинг ҳисоб-китоби билан шуғулланувчи масъул ходим (ҳисобчи)-га топширади.

9. Масъул ходим (ҳисобчи) йиғма жилдларнинг юритилиши ва маъмурий қамоққа олинган шахслардан олинган қимматбаҳо буюмларнинг сақланишини таъминлайди ҳамда алоҳида дафтарда қайд этиб боради.

10. Масъул ходим (ҳисобчи) маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг йиғма жилдига меҳнатга жалб этиш варақасини қўшиб юритади ва маъмурий қамоққа олинган шахслар озод бўлгунга қадар меҳнатга жалб этилган кунларини қайд этиб борган ҳолда махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ҳисоб-китоб қилиб боради.

11. Маъмурий қамоққа олинган шахс маъмурий қамоқни ўташи вақтида ишлаган ва шу тариқа ўзининг махсус қабулхонада сақланиши билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаган ҳолларда ушбу шахс махсус қабулхонадан озод этилаётган вақтда унга махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни тўлиқ қоплаганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

12. Маъмурий қамоққа олинган шахс маъмурий қамоқни ўташи вақтида ишламаган ёки ишлаган бўлса-да, махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаган бўлса, қолган қисмини бир банк иш куни мобайнида махсус қабулхонанинг ҳисоб рақамига тўлаши лозимлиги тўғрисида ёзма билдириш берилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахслар томонидан тўловлар тегишли хизмат кўрсатувчи банкка тўланади ва тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция) нусхаси махсус қабулхонанинг масъул ходими (ҳисобчи)-га тақдим этилади.

Агар тўлов нақд пулсиз шаклда амалга оширилган бўлса, махсус қабулхона маъмуриятига тўлов топшириқномасининг нусхаси (тўлов тўланганлиги тўғрисидаги банк белгиси қўйилган ҳолда) тақдим этилади.

13. Маъмурий қамоққа олинган шахсни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар маъмурий қамоққа олинган шахснинг яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар томонидан ҳам қопланиши мумкин. Бундай ҳолларда, яъни махсус қабулхона маъмуриятига маъмурий қамоққа олинган шахсни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш

истаги билдирилганда ушбу шахсдан ариза олинади ва ёзма билдириш ушбу шахсга берилади.

14. Маъмурий қамоққа олинган шахс махсус қабулхонадан озод этилганидан сўнг бир банк иш куни мобайнида сақлаш билан боғлиқ харажатларни тўламаган тақдирда махсус қабулхона маъмурияти ушбу харажатларни суд тартибида ундириш бўйича шахсни маъмурий қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарган судга мурожаат этади.

3-боб. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳисоби

15. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳисобини юритиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг молиявий таъминот хизматлари томонидан махсус қабулхона учун алоҳида ҳисоб рақами очилади.

16. Маъмурий қамоққа олинган шахслардан ундирилган махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳамда уларнинг меҳнатидан фойдаланиш натижасида ташкилотлардан олинган пул маблағлари махсус қабулхонанинг ҳисоб рақамига тушади.

17. Махсус қабулхонанинг ҳисоб рақамига тушган пул маблағлари (маъмурий қамоққа олинган шахснинг меҳнатидан фойдаланиш натижасида олинган ва маъмурий қамоққа олинган шахсни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлардан ортиқ бўлган ҳамда маъмурий қамоққа олинган шахснинг йўл ҳужжатлари учун сарфланган суммадан ташқари) бир банк иш куни мобайнида Давлат бюджети даромадига ўтказилади.

18. Маъмурий қамоққа олинган шахснинг меҳнатидан фойдаланиш натижасида олинган ва маъмурий қамоққа олинган шахсни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлардан ортиқ бўлган сумма уларнинг номига очиладиган махсус банк ҳисобварақларига ўтказилади.

19. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар тушуми ва ушбу маблағларни Давлат бюджетига ўтказиш бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузиш тегишли махсус қабулхонанинг масъул ходими (ҳисобчи) томонидан амалга оширилади.

20. Махсус қабулхона маблағлари тушуми ва харажатлари ҳисобини юритиш ва харажатлар сметасини тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

21. Махсус қабулхона маблағларидан мақсадли фойдаланилишини ва тушумни назорат қилиш Ички ишлар вазирлигининг Назорат тафтиш инспекциясига юклатилади.

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби тўғрисида низомга ИЛОВА

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Туман (шаҳар) маъмурий суди	Фуқароларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқариш билан бирга маъмурий қамоққа олинган шахслардан махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни суткасига энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдоридан ундирилишини белгилаб беради. Айрим ҳолларда муайян ҳолатлар, маъмурий қамоққа олинган шахснинг моддий аҳволи ва шахси ҳисобга олинган ҳолда, у махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар ундирилишидан озод қилиниши мумкин.	Доимий
2-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимликлари	Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ёзма розилигига кўра уларни ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб этади. Уларнинг меҳнатидан фойдаланиш натижасида олинган пул маблағлари ушбу шахсларни махсус қабулхоналарда сақлаш ва овқатлантиришга йўналтирилади.	Доимий
	Махсус қабулхона	Масъул ходим (ҳисобчи) томонидан маъмурий қамоққа олинган шахсларга нисбатан меҳнатга жалб этиш варақаси юритилади ва маъмурий қамоққа олинган шахслар озод бўлгунга қадар меҳнатга жалб этилган кунлари қайд этиб борилган ҳолда махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳисоб-китоб қилиб борилади.	15 кунгача муддатда
3-босқич	Махсус қабулхона	Маъмурий қамоққа олинган шахс маъмурий қамоқни ўташи вақтида ишлаган ва шу тариқа ўзининг махсус қабулхонада сақланиши билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаган ҳолларда ушбу шахс махсус қабулхонадан озод этилаётган вақтида унга махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни тўлиқ қоплаганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.	Доимий
	Махсус қабулхона	Маъмурий қамоққа олинган шахснинг меҳнатидан фойдаланиш натижасида олинган ва маъмурий қамоққа олинган шахсни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлардан ортиқ бўлган сумма уларнинг номига очиладиган махсус банк ҳисобварақларига ўтказилади.	Зудлик билан
	Махсус қабулхона	Маъмурий қамоққа олинган шахс маъмурий қамоқни ўташи вақтида ишламаган ёки ишлаган бўлса-да, махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисmini қоплаган бўлса, қолган қисmini махсус қабулхонанинг ҳисоб рақамига тўлаши лозимлиги тўғрисида ёзма билдириш берилади.	Доимий
	Махсус қабулхона	Маъмурий қамоққа олинган шахс махсус қабулхонадан озод этилганидан сўнг бир банк иш куни мобайнида сақлаш билан боғлиқ харажатларни тўламаган тақдирда махсус қабулхона маъмурияти томонидан ушбу харажатларни суд тартибидан ундириш бўйича шахсни маъмурий қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарган судга мурожаат этади.	24 соатдан сўнг

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

582 Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2798-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги 515-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2016 йил 23 майдаги 01-157-сон буйруғи (рўйхат рақами 2798, 2016 йил 9 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 23-сон, 279-модда) билан тасдиқланган Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

У. ТАШКЕНБАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 май,
3-В-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим
сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
бошлигининг 2018 йил 28 майдаги
3-В-сон буйруғига
ИЛОВА

**Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги
сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадан «ўрта махсус» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси (бундан буён матнда Давлат инспекцияси деб юритилади), Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси (бундан буён матнда мактабгача таълим бошқармалари деб юритилади), Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (бундан буён матнда халқ таълими бошқармалари деб юритилади), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари (бундан буён матнда касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари деб юритилади), туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ҳамда аттестация комиссиялари тузилган таълим муассасаларида ушбу ташкилотлар раҳбарларининг буйруғи билан сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш бўйича моддий жавобгар шахслар (бундан буён матнда масъул шахс деб юритилади) белгиланади.».

3. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Сертификатлар:

мактабгача таълим, халқ таълими бошқармалари ва касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларига — Давлат инспекцияси томонидан;

туман (шаҳар) мактабгача таълим, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига — тегишли мактабгача таълим бошқармалари, халқ таълими бошқармалари томонидан;

таълим муассасаларига — тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан буюртманомаларга мувофиқ белгиланган тартибда берилади.».

4. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Бузилган ва ярқисиз ҳолга келган сертификатлар бўйича расмийлаштирилган далолатноманинг бир нусхаси:

таълим муассасаси томонидан — тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига;

туман (шаҳар) мактабгача таълим, туман (шаҳар) халқ таълими бўлим-

лари томонидан — тегишли мактабгача таълим бошқармалари, халқ таълими бошқармаларига;

мактабгача таълим бошқармаси, халқ таълими бошқармаси, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси томонидан — Давлат инспекциясига сертификатлар илова қилинган ҳолда юборилиши лозим. Бунда, мактабгача таълим бошқармаси ва халқ таълими бошқармаси томонидан таълим муассасаси ҳамда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими юборган яроқсиз ҳолга келган сертификатлар ва далолатнома нусхаларини ҳам Давлат инспекциясига юборилади.»

5. 16-банддаги «ДТМга юборилган» ва «ДТМ директори» деган сўзлар тегишлича «Давлат инспекциясига юборилган» ва «Давлат инспекцияси бошлиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 17 ва 18-бандлардаги «ДТМга қисқартмаси «Давлат инспекциясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Иловадаги изоҳ қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Изоҳ: мазкур журнални юритишда:

Давлат инспекцияси томонидан — 14 — 20-устунлар;

мактабгача таълим бошқармалари, халқ таълими бошқармалари томонидан — 9, 15 ва 16-устунлар;

касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан — 8 — 13-устунлар;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан — 9, 10, 14 ва 16-устунлар;

таълим муассасалари томонидан — 8 — 13, 14 ва 15-устунлар тўлдирилмайди.»

Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази билан келишилган.

Мактабгача таълим вазирлиги

А. ШИН

2018 йил 28 май

Халқ таълими вазирлиги

У. ИНОЯТОВ

2018 йил 28 май

**Касб-ҳунар таълими
маркази директори**

М. ХОЛМУХАМЕДОВ

2018 йил 28 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

583 Юк автотранспорт воситаларини «Қамчиқ» довонидан ўтиши ва ҳаракатланиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2391-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 апрелдаги 268-сон «Қамчиқ» довони орқали автомобиль транспортида юк ташишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 09/18/268/1042-сон) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2012 йил 3 августдаги 28, 5-сон қарори (рўйхат рақами 2391, 2012 йил 21 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 443-модда) билан тасдиқланган Юк автотранспорт воситаларининг «Қамчиқ» довонидан ўтиши ва ҳаракатланиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 7 июнь,
44-сон

П. БОБОЖОНОВ

**Ўзбекистон автомобиль
транспорти агентлиги бошлиғи**

Тошкент ш.,
2018 йил 7 июнь,
1/212-сон

Д. ДЕХКАНОВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон
автомобиль транспорти агентлигининг
2018 йил 7 июнь 44 ва 1/212-сон қарорига
ИЛОВА

**Юк автотранспорт воситаларини «Қамчиқ» довоидан
ўтиши ва ҳаракатланиши устидан назорат қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2012 йил 10 июлдаги 204-сон «Қамчиқ» довои орқали автомобиль транспортида юк ташишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 6 апрелдаги 268-сон «Қамчиқ» довои орқали автомобиль транспортида юк ташишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ юк ташиётган юк автотранспорт воситаларининг «Қамчиқ» довоига кириши ҳамда унда ҳаракатланиши устидан назорат қилиш тартибини белгилайди.»

2. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 апрелдаги 268-сон «Қамчиқ» довои орқали автомобиль транспортида юк ташишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқарилган йили 20 йилдан ортиқ бўлган юк автотранспорт воситалари ва шатакчи автотранспортда (тиркама ва ярим тиркамалар бундан мустасно) «Қамчиқ» довои орқали юкларни ташиш тақиқланади.»

3. 6-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Юк автотранспорт воситаларини, шунингдек, уларга ортилган юк габарити ва вазни ўлчамларини текшириш ҳамда назорат қилиш А373 «М39 автойўли — Гулистон — Бўка — Ангрен — Қўқон ва Андижон орқали — Ўш» автомобиль йўлининг 185 ва 273-километрларида замонавий технологик қурилмалар билан жиҳозланган назорат пунктлари қуриб битказилгунга қадар 193 ва 268-километрларидаги «Чинор» ва «Наманган» мунтазам йўл-патруль хизмати масканларида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (бундан буён матнда ИИВ ДЙҲХХ деб юритилади) томонидан ҳамкорликда амалга оширилади. Бунда қуйидагиларга жиддий эътибор қаратилади:»

4. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. А373 «М39 автойўли — Гулистон — Бўка — Ангрен — Қўқон ва Андижон орқали — Ўш» автомобиль йўлининг 185 ва 273-километрларидаги назорат пунктлари қуриб битказилганидан кейин юк автотранспорт воситалари, шунингдек уларга ортилган юк габарити ва вазни ўлчамлари Ўзбе-

кистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси томонидан текширилади ва назорат қилинади.».

5. 8-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 9-бандидаги «Ўзавтойўл» ДАКнинг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси билан келишилган.

*Автомобиль йўллари давлат
қўмитаси раиси*

А. АБДУВАЛИЕВ

2018 йил 5 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

584 Маълумотларни узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3038*

Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Маълумотларни узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 июлда эълон қилинган.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирилади.

Вазир

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 май,
173-сон

Ўзбекистон Республикаси ахборот
технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирининг 2018 йил
21 майдаги 173-сон буйруғига
1-ИЛОВА

Маълумотлар узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Алоқа тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сон «Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет (бундан буён матнда маълумотлар узатиш тармоғи деб юритилади) хизматларини кўрсатиш қоидаларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
GSM-шлюз — мобил алоқа тармоқлари ва телекоммуникацияларнинг бошқа тармоқлари ўртасида трафикни ўтказиш учун мўлжалланган аппарат-дастурий восита;

IP-шлюз — IP тармоқлар ва телекоммуникацияларнинг бошқа тармоқлари ўртасида трафикни ўтказиш учун мўлжалланган аппарат-дастурий восита;

IP-адрес — TCP/IP технологиялари билан бошқариладиган маълумотлар узатиш тармоғида компьютерлар ёки узелларни идентификациялайдиган ноёб адрес;

IP-телевидение (IPTV) — телевидение, видео, аудио, матн, графика ва шу каби, бошқа маълумотлар, IP протоколи асосидаги тармоқлар таъминланадиган, сифат, хавфсизлик, интерактивлик ва ишончлиликнинг талаб қилинадиган даражасини таъминлаш мақсадида бошқариладиган мультимедиа хизматлари;

IP-телефония — IP технологияси асосида пакетлар коммутацияланадиган маълумотлар узатиш тармоқлари орқали нутқли ахборот, жумладан маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқани айирбошлаш хизмати;

SMS-шлюз — мобил телефондан фойдаланмасдан SMS хабарлар жўнатиш ва олиш имконини берадиган аппарат-дастурий восита;

Wi-Fi хизмати ташкилотчиси — маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланиш учун Wi-Fi технологияси бўйича ўзларининг четки ускуналаридан, мижозлар ёки ташриф буюрувчилар ҳисобланадиган тор доирадаги фойдаланувчиларга ускунадан фойдаланишни тақдим этадиган маълумотлар узатиш тармоғи оператори ёки маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари провайдери ёхуд абонент — юридик шахс;

Wi-Fi хизматлари — маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланиш учун Wi-Fi технологияси бўйича четки ускуналарга фойдаланувчиларнинг чекланган доирасига ускунадан фойдаланишни тақдим этиш;

абонент — маълумотлар узатиш тармоғи оператори ёки маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари провайдери билан шартнома тузган, маълумотлар узатиш тармоғи хизматларининг истеъмолчиси ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахс;

аутентификация — маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланувчи томонидан кўрсатилган идентификациялаш маълумотларининг ҳақиқийлигини аниқлаш;

домен номи — ахборот ресурсига ёки ахборот тизимига берилган, уларни Интернет тармоғида идентификациялаш учун хизмат қиладиган ноёб ном;

домен номлари тизими — Интернет тармоғида домен номларини бериш, рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби;

идентификациялаш — мавжуд маълумотлар асосида маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланувчи шахсини аниқлаш;

Интернет тармоғи — ягона адрес ва номлар маконидан фойдаланиладиган, шлюзлар ёрдамида бирлаштирилган, ягона TCP/IP протоколига мувофиқ ишлайдиган кўплаб тармоқлардан иборат глобал халқаро тармоқ (бошқариладиган тармоқлар бирлашмаси);

Интернетдан жамоат бўлиб фойдаланиш пункти — фойдаланувчиларга Интернетдан фойдаланиш юзасидан ҳақ эвазига ёки бепул хизматлар кўрсатиш жойи;

маълумотлар узатиш — маълумотларни (рақамли шаклда тақдим этилган, электрон воситалар билан қайта ишлаш учун яроқли бўлган, нутқни, матн, факсимил хабарлар, динамик тасвирларни (видеони) ва бошқаларни ўз ичига оладиган ахборотларни) иккилик сигналлар кўринишида, кейинчалик ҳисоблаш техникаси воситалари билан қайта ишлаш учун, телекоммуникациялар воситалари орқали бир пунктдан бошқа бир пунктга кўчириш;

маълумотлар узатиш тармоғи — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона хизмат кўрсатиш, тақдим этиш ва тўлов принциплари асосида барча жисмоний ва юридик шахсларга маълумотлар узатиш хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоғи;

маълумотлар узатиш тармоғи оператори (бундан буён матнда оператор деб юритилади) — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида маълумотлар узатиш тармоғига эга бўлган, унинг ишлашини, ривожланишини таъминловчи ва маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари кўрсатувчи юридик шахс;

маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари — оператор ва провайдернинг маълумотлар узатиш тармоғи орқали сигналлар ва ахборотнинг бошқа турларини қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлаш бўйича фаолияти маҳсули;

маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари провайдери (бундан буён матнда провайдер деб юритилади) — фойдаланувчиларга операторлар тармоғи орқали тижорат асосида маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланувчи (бундан буён матнда фойдаланувчи деб юритилади) — маълумотлар узатиш тармоғи хизматларининг истеъмолчиси ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахс;

хостинг хизматлари — Интернет тармоғида доимий бўладиган серверда ахборотни жойлаштириш учун техник ресурсларни тақдим этиш хизмати;

2. Оператор ва провайдернинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензия асосида амалга оширилади.

3. Оператор ёки провайдер томонидан маълумотлар узатиш тармоғидан ва маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланишнинг тақдим этилиши, операторлар ва провайдерлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шунингдек операторлар ёки провайдерларнинг абонентлар билан ўзаро муносабатлари ёзма ёки электрон шаклда тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

2-боб. Маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари

1-§. Умумий қоидалар

4. Маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари рўйхати оператор ёки провайдер ҳамда абонент ўртасида тузиладиган маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатиш шартномасида белгиланган бўлиши керак.

5. Маълумотлар узатиш тармоғи орқали маълумотлар узатиш тармоғи хизматларининг қўйидаги турлари тақдим этилиши мумкин:

маълумотлар узатиш тармоғидан фойдаланиш (турли стандартлар бўйича), трафик транзити, шунингдек маълумотлар узатишнинг халқаро тармоқларидан, жумладан Интернетдан фойдаланиш;

реал вақтда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш; электрон хабарлар қабул қилиш ва узатиш (шу жумладан, электрон почта);

конфиденциал ахборотни криптографик ва бошқача муҳофаза қилиш; кичик (қуйи) тармоқ ажратиш;

домен ва домен номлари тизимини рўйхатга олиш ва олиб бориш;

IP-адрес ажратиш ва тутиб туриш;

IP-телефония ва IP-телевидение (IPTV);

хостинг хизматлари.

Оператор ёки провайдер қонун ҳужжатларига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоғининг бошқа хизматларини ҳам кўрсатиши мумкин.

6. Фавқулудда ҳолатларда маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатиш «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-§. Wi-Fi хизматини кўрсатиш

7. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси чекланган доирадаги фойдаланувчиларга пулсиз ёки пуллик асосда Wi-Fi хизматлари кўрсатиши мумкин. Фойдаланувчиларнинг чекланган доирасини аниқлаш шартлари Wi-Fi хизмати ташкилотчиси томонидан белгиланади. Wi-Fi хизматини кўрсатишда сессиянинг амал қилиш давомийлиги 24 соатдан ошмаслиги керак.

8. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси бўлган абонент-юримдик шахс томонидан ўз ҳудудидида бепул Wi-Fi хизматини ташкил этиш оператор ёки провайдер билан тузилган шартномага мувофиқ оператор ёки провайдернинг аппарат-дастурий воситалари асосида амалга оширилиши мумкин.

9. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси:

оператор ёки провайдер билан биргаликда, фойдаланувчиларнинг шахсини идентификациялаш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилган веб-ресурслари (log-файллар) ҳисобини юритиш бўйича аппарат-техник чора-тадбирлар кўриши;

оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи ахборотни, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

10. Wi-Fi хизмати абонент — юридик шахс томонидан кўрсатилган тақдирда, абонент — юридик шахс ва оператор ёки провайдер ўртасида тузиладиган шартномада фойдаланувчиларга Wi-Fi хизмати тақдим этиши тўғрисида маълумот кўрсатилиши, шунингдек фойдаланувчилар шахсини идентификациялаш бўйича кўриладиган чоралар белгиланиши зарур.

11. Фойдаланувчилар шахсини идентификациялаш мобил телефон рақами бўйича ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотлар асосида амалга оширилган бошқа рўйхатдан ўтиш маълумотлари (авиачипталар, темир йўл чипталари, меҳмонхонада рўйхатдан ўтиш маълумотлари ва шу каби бошқа маълумотлар) бўйича амалга оширилиши мумкин.

Фойдаланувчини мобил телефон рақами бўйича идентификациялашда, фойдаланувчининг мобил телефон рақамига SMS-хабар воситасида бир марталик пароль (One Time Password — OTP) юборилади ва фойдаланувчи аутентификация қилинади. Бунда бир марталик паролнинг (One Time Password — OTP) активлик муддати чекланган бўлиши (10 дақиқадан кўп бўлмаслиги) керак.

12. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси фойдаланувчининг шахсий маълумотлари ва телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган хабарларининг сир сақланишини таъминлаши шарт, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

3-боб. Маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланиш

13. Оператор ёки провайдер «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ абонентларга ўзи томонидан кўрсатиладиган маълумотлар узатиш хизматлари тўғрисида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Оператор ёки провайдер томонидан абонентга қуйидаги маълумотлар тақдим этилиши зарур:

оператор ёки провайдернинг номи, почта манзили, фойдаланувчилар ва абонентлар билан ҳамкорлик қиладиган филиалларининг номи, улар жойлашган жой, иш тартиби ва алоқа телефонлари;

оператор ёки провайдерга берилган лицензия рақами ва амал қилиш муддати;

маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатиш тартиби ва шартлари;

фойдаланиладиган абонент интерфейслари ва маълумотлар узатиш протоколлари;

маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатишдаги чекловлар; тариф режалари;

муайян тариф режаси, маркетинг кампаниялари доирасида ёки тадбирлар ўтказиш даврида маълумотлар узатиш тармоғидан фойдаланиш хизматларини тақдим этишда имтиёзлар ёки чегирмалар;

маълумотлар узатиш тармоғидан фойдаланишнинг пулли ва пулсиз хизматлари рўйхати;

маълумотлар узатиш тармоғи хизматларига ҳақ тўлаш муддатлари ва шакллари;

абонентларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби;

ахборот-маълумот хизматининг ва техник таъминлаш хизматининг телефон рақамлари (мавжуд бўлганда);

ахборот-маълумот бериш бўйича хизмат кўрсатиш тизими тўғрисидаги маълумотлар;

маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатиш ҳудудларида техник имкониятлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.

14. Оператор ёки провайдер билан абонент ўртасида тузиладиган шартномада қуйидаги маълумотлар мажбурий равишда кўрсатилиши шарт:

шартнома тузилган жой ва сана;

оператор ёки провайдернинг номи;

оператор ёки провайдер ҳисобварағи реквизитлари;

оператор ёки провайдерларга берилган лицензия реквизитлари;

шартноманинг амал қилиш муддати;

абонент тўғрисидаги маълумотлар;

ҳисоб-китоб шакли ва тартиби;

томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

тариф режаси, хизматларнинг нархлари;

шикастланишларни бартараф этиш муддатлари;

сифат кўрсаткичлари (маълумотлар узатишнинг максимал тезлиги, маълумотлар узатишнинг минимал кафолатланган тезлиги, маълумотлар узатиш кечикишининг максимал вақти);

кўрсатиладиган хизматлар рўйхати (зарур бўлганда).

Шартномада томонлар ўртасидаги келишувга асосан қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

15. Абонент оператор ёки провайдер билан шартнома тузганидан кейин, оператор ёки провайдер уланиш усулига боғлиқ ҳолда, абонентга уланиш учун зарур параметрларни етказди (IP-адрес ва бошқа адрес реквизитлари), маълумотлар узатиш тармоғида ишлаш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида йўл-йўриқ кўрсатади, фойдаланувчининг зарур ускунасини (компьютер, модем, факс) ва зарур дастурий таъминотни тавсия қилади.

16. Интернетдан жамоат бўлиб фойдаланиш пунктида бир марталик маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари фойдаланувчиларга Жамоат фойдаланиш жойларида интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1393, 2004 йил 30 июль) мувофиқ кўрсатилади.

17. Оператор ёки провайдер маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ахборотни абонентларга тақдим этиш мақсадида ахборот-маълумот бериш бўйича хизмат кўрсатиш тизимини яратади.

Қуйидаги маълумотлар оператор ёки провайдер томонидан абонентнинг сўровига мувофиқ 24 соат мобайнида ҳеч қандай чекловларсиз тақдим этилиши шарт:

маълумотлар узатиш тармоғининг кўрсатиладиган хизматлари тўғрисидаги;

маълумотлар узатиш тармоғидан фойдаланиш хизматларига бўлган тарифлар тўғрисидаги;

абонентга унинг шахсий ҳисобварағининг ҳолати ва маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланиш ҳақини тўлаш бўйича қарздорлик тўғрисидаги, жумладан абонентга уланган хизматлар: маълумотлар узатиш вақти, тезлиги, олинган ва (ёки) узатилган ахборот ҳажми, шунингдек лимитланган трафикли тарифлардаги трафик қолдиғи тўғрисидаги; техник носозликлар тўғрисидаги.

4-боб. Маълумотлар узатиш тармоғи хизматларига ҳақ тўлаш

18. Маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари учун тарифлар қонун ҳужжатларига мувофиқ томонлар ўртасида тузиладиган шартномада белгиланилади.

19. Ҳисоб-китоблар шакли ва тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ, оператор ёки провайдернинг технологик имкониятлардан келиб чиқиб абонент билан келишилган ҳолда оператор ёки провайдер томонидан белгиланади ҳамда шартномада акс эттирилади ва ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

20. Маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари учун тарифлар миллий валютада белгиланади ва барча тўловлар миллий валютада амалга оширилади.

21. Оператор ёки провайдер автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизимлари ёрдамида абонентга кўрсатилган хизматлар (маълумотлар узатиш вақти, тезлиги, олинган ва (ёки) узатилган ахборот ҳажми, шунингдек абонент пул маблағларининг ҳаракати ва бошқалар) тўғрисидаги ахборот ҳисобини юритади.

22. Оператор ёки провайдер шартнома асосида ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш тўғрисида абонентга ахборот тақдим этади. Бунда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

оператор ёки провайдер реквизитлари ва мурожаат учун телефон рақамлари;

ҳисоб-китоб даври;

бажарилган ишлар нархи;

тақдим этиладиган хизматлар рўйхати, ҳар бир хизмат учун ҳисоб-китоб даври ва улар учун тўланадиган сумма;

қўшилган қиймат солиғи суммаси (агар ундирилса);

умумий тўланадиган сумма;

ҳисоб тақдим этилган сана;

ҳақ тўлаш муддати.

23. Оператор ёки провайдер томонидан абонентнинг ҳисоб варағи юритилган тақдирда, тўлов тўғрисида кўрсатилган ахборот оператор ёки провайдер ва абонент ўртасидаги шартнома шартларининг ўзгаришлари билан боғлиқ абонентнинг ҳисоб варағи бўйича баланс тузатишларини, шунингдек келиб тушган ва абонентнинг ҳисоб варағида акс эттирилган олдинги ҳисоб-китоб давридаги хизматлар учун абонентнинг тўловлари тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олиши керак.

5-боб. Оператор ва провайдерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

24. Оператор ва провайдер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) абонентлар ва фойдаланувчиларга хизматлар кўрсатиш;

б) қуйидаги ҳолларда абонентни шартномада белгиланган муддатда олдиндан хабардор қилиб, абонентга хизматлар кўрсатишни тўхтатиб туриш:

абонент томонидан шартнома шартлари бузилганда, шу жумладан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ ўз вақтида тўланмаганда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари бузилганда;

в) абонентнинг айби билан юзага келган зарарлар ўрни тўлдирилишини талаб қилиш;

г) абонентга зарар етказмасдан абонентга хизматларни тақдим этиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни, техник ва тариф сиёсатини мустақил белгилаш ҳамда амалга ошириш;

д) абонент томонидан маълумотлар узатиш тармоғининг фойдаланилган веб-ресурсларининг ҳисобга олинишини (log-файлларининг юритилишини) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил қилиш;

е) қонун ҳужжатларига мувофиқ абонентнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш;

ж) операторни огоҳлантирмасдан маълумотлар узатиш тармоғига GSM, IP ёки SMS-шлюзлар уланганда, шу жумладан маълумотлар узатиш тармоғида махсус аппарат-дастурий воситаларини ўрнатиш йўли билан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда хизматлар кўрсатишни бир томонлама тўхтатиш.

Оператор ва провайдер қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

25. Қуйидагилар оператор ва провайдернинг мажбуриятлари ҳисобланади:

а) ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ, лицензия ва ушбу Қоидалар асосида амалга ошириш;

б) шартномада белгиланган муддатда ва ҳажмда ишларни бажариш ҳамда хизматларни тақдим этиш;

в) қонун ва қонун ости ҳужжатларига, шу жумладан техник регламентлар, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларга ҳамда шартномага мувофиқ кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини таъминлаш;

г) абонентларга ўзининг веб-сайтида ва (ёки) оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек абонентлар ва фойдаланувчилар билан ишлаш жойларида қуйидаги ахборотларни тақдим этиш:

хизматларни кўрсатиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги, шу жумла-

дан хизматлар учун тарифлар ўзгарганлиги тўғрисида — ўзгартиришлар кучга киришидан камида 10 кун олдин;

иш вақти, почта манзили ва банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида — тегишли ўзгаришлар киритилган вақтдан бошлаб;

д) шартноманинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, шунингдек абонентнинг аризасига кўра хизматлар кўрсатилмаганлиги ёки шартномада белгиланган даражадаги сифатга эга хизматлар кўрсатилмаганлиги учун қайта ҳисоб-китоб қилиш;

е) абонентларга хизматлар кўрсатиш нормал режимининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган таъмирлаш-созлаш ва профилактика ишлари ўтказилишини бошлаш муддатлари ҳамда давомийлиги тўғрисида зудлик билан хабардор қилиш;

ж) хизматлар узлуксиз, кечаю кундуз кўрсатилишини таъминлаш;

з) абонентнинг талаби билан унинг ҳисоб varaғида акс эттирилган ўзаро ҳисоб-китобларнинг жорий ҳолати тўғрисидаги, шу жумладан абонент томонидан олинган хизматлар тўғрисидаги ахборотни: маълумотлар узатиш вақти, тезлиги, олинган ва (ёки) узатилган ахборотнинг ҳажми тўғрисида батафсил ахборотни тақдим этиш;

и) ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм гоёларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ва тарқатилиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриш;

к) абонентларнинг оғзаки мурожаатларини дарҳол, ёзма ёки ахборот тизимлари орқали қабул қилинган мурожаатларини операторга келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида кўриб чиқиш;

л) фойдаланувчиларга ҳар ойда бир мартаба маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланишда қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Қоидаларга риоя қилиш зарурлиги юзасидан эслатма хабарини бериш. Бунда эслатма хабар матни телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан шакллантирилади;

м) Wi-Fi хизмати кўрсатиш вақтида фойдаланувчиларнинг шахсини идентификациялаш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилган веб-ресурслари (log-файллар) ҳисобини юритиш бўйича аппарат-техник чора-тадбирлар кўриш;

н) халқаро ва шаҳарлараро трафик ноқонуний ўтказиш, шу жумладан GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан, шу жумладан тармоқда махсус аппарат-дас-турий воситаларини ўрнатиш йўли билан ноқонуний фойдаланишга қарши курашиш чораларини кўриш;

Оператор ёки провайдер қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзларига юклатилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаришлари мумкин.

26. Оператор ёки провайдер абонентни ҳақ тўлаш эвазига қўшимча

хизматлар кўрсатишга ёки маълум бир хизматни кўрсатиш учун бошқа хизматларни олишга мажбурлашга, шунингдек абонентдан кўрсатилмаган хизматлар учун тўлов ундиришга ҳақли эмас.

27. Оператор ёки провайдер фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари ва маълумотлар узатиш тармоқлари орқали узатиладиган хабарларининг сир сақланишини таъминлаши шарт, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

6-боб. Абонент ва фойдаланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

28. Абонент ва фойдаланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шартномада кўзда тутилган оператор ёки провайдернинг сифатли ва узлуксиз хизматларидан фойдаланиш;

оператор ёки провайдердан ушбу Қоидаларда белгиланган мажбуриятларини, шунингдек унинг маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини тақдим этиш шартномаси бўйича мажбуриятларини бажаришини талаб қилиш;

шартномада кўзда тутилмаган хизматлар учун ҳақ тўлашни рад этиш;

оператор ёки провайдер айби билан етказилган зарар ўрнининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш;

оператор ёки провайдер билан тузилган шартномани қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш.

Абонент оператор ёки провайдер томонидан маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатиш муддатлари бузилганда, агар шартномани ўз вақтида бажариш бошланмаган ёки ишлар (хизматлар) шартномада белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлганда, шунингдек бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар сифати шартнома шартларида белгиланганидан паст даражада бўлганда қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

камчиликларини бепул бартараф этиш;

оператор ёки провайдер билан келишув бўйича маълумотлар узатиш тармоғи хизмати кўрсатилиши мумкин бўлган янги муддатни белгилаш;

маълумотлар узатиш тармоғи хизматининг нархини қайта ҳисоблашни талаб қилиш.

Абонент ва фойдаланувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Жисмоний ёки юридик шахс оператор ёки провайдер билан шартнома тузишдан олдин оператор ёки провайдердан қуйидаги ахборотларни олишга ҳақли:

тақдим этиладиган асосий ва қўшимча хизматлар рўйхати;

тақдим этиладиган хизматлар нархи, тарифлар;

алоқани ва абонентнинг маълумотлар узатиш тармоғидан фойдалана олишни ташкил қилиш усуллари;

уланиш ва хизмат кўрсатиш тартиби;

хизматларни тақдим этиш қоидалари;

кафолатланган хизмат кўрсатиш даражаси, сифат даражаси, оператор, провайдер серверида абонент ахборотининг ҳимояланганлигини таъминлашнинг кафолатланган даражаси ва бошқа маълумотларни.

30. Қуйидагилар фойдаланувчининг мажбуриятлари ҳисобланади:

маълумотлар узатиш тармоғидан давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни узатиш учун фойдаланишга йўл қўймаслик;

маълумотлар узатиш тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмаслик;

маълумотлар узатиш тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўйувчи ахборотни тарқатмаслик;

қонун ҳужжатларига асосан маълумотлар узатиш тармоғи орқали тарқатилиши тақиқланган ахборотлардан тижорат ёки нотижорат мақсадларда тарқатиш учун фойдаланмаслик;

маълумотлар узатиш тармоғидан фойдалана олиш атрибутларини бошқа шахсларга бермаслик (кўпайтирмаслик);

таркибида компьютер вируслари ёки тармоқ учун зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ёки дастурий таъминотни эълон қилмаслик ёки узатмаслик;

компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмаслик;

маълумотлар узатиш тармоғида тақдим этилган ахборот ва интеллектуал мулк объекти учун муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик.

Фойдаланувчига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

31. Қуйидагилар абонентнинг мажбуриятлари ҳисобланади:

оператор ёки провайдер билан тузилган шартнома шартларига риоя қилиш;

тақдим этилган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган муддатларда амалга ошириш;

оператор ёки провайдерни ўзининг охири (терминал) ускунаси, тармоғи ва дастурий таъминотидаги барча носозликлар ёки ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги ёхуд бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар оқибатида оператор ёки провайдерга етказилган зарарни қоплаш;

телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун GSM, IP ёки SMS-шлюзлар ёки шунга ўхшаш аппарат-дастурий воситалардан фойдаланиш нияти бўлганда, бу ҳақда оператор ёки провайдерни огоҳлантириш;

маълумотлар узатиш тармоғидан халқаро ва шаҳарлараро трафикни ноқонуний ўтказиш мақсадида фойдаланмаслик, шу жумладан GSM ва IP-шлюзлар орқали.

Абонентга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

7-боб. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш

32. Маълумотлар узатиш тармоғида юзага келган шикастланишлар шартномада белгиланган муддатда бартараф этилмаган тақдирда, оператор, провайдер абонентнинг талабига кўра шартномада белгиланган миқдорда жарима (пеня) тўлайди.

Оператор, провайдер томонидан жарима (пеня) тўланганлиги уларни шартнома бўйича зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

33. Оператор, провайдер, Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ихтиёрида (бевосита бошқаруви ва назорати остида) бўлмаган маълумотлар узатиш тармоғининг ресурслари, серверлари ва сегментлари мазмуни, улардан фойдаланиш имконияти ва ишлаш қобилияти учун жавобгар бўлмайди.

34. Абонент ўз мажбуриятларини бажармаганлиги, шу жумладан шартномага мувофиқ белгиланган муддатда хизматлар учун ҳақ тўламаганлиги учун шартномага мувофиқ жавобгар бўлади.

35. Маълумотлар узатиш тармоғи хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

8-боб. Яқуний қоидалар

36. Мазкур Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

37. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 21 май

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 21 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

585 «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2686-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон «Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 11 июндаги 1-2015-сон «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2686, 2015 йил 19 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 325-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 июль,
11-2018-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2018 йил 5 июлдаги 11-2018-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси
қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини
тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1 ва 4-иловалардаги «кундузги, махсус сиртқи» деган сўзлар «кундузги, махсус сиртқи, сиртқи, кечки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2 ва 5-иловалардаги «kunduzgi, maxsus sirtqi» деган сўзлар «kunduzgi, maxsus sirtqi, sirtqi, kechki» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3 ва 6-иловалардаги «очную, специальную заочную» деган сўзлар «очную, специальную заочную, заочную, вечернюю» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

Келишилди:

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори*

М. КАРИМОВ

2018 йил 4 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

586 Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2009 йил 4 октябрдаги 75-сон буйруғи (рўйхат рақами 2041, 2009 йил 16 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 47-сон, 508-модда) билан тасдиқланган Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом муқаддимасининг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси тузилмасига кирувчи ташкилотлар ҳамда Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасаларига татбиқ этилмайди.»

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 июнь,
175-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 июлда эълон қилинган.

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 26 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

587 «Танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2181-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПФ-5447-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 июлда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси**

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 июнь,
01/16-1-10/29-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 июнь,
319-В-3-сон

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 июнь,
22-сон

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси, Марказий банк
Бошқаруви ва Иқтисодиёт вазирлигининг
2018 йил 22 июндаги 01/16-1-10/29,
319-В-3, 22-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йил 31 декабрдаги 6, 42/2, 1-сон «Танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2181, 2011 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1-2-сон, 18-модда).

2. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2014 йил 10 апрелдаги 01/22-26/14, 7/8, 63-сон «Аукцион ва танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2181-1, 2014 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 230-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 20 майдаги 01/22-26/08, 10/1, 132-сон «Аукцион ва танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2181-2, 2017 йил 30 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 22-сон, 437-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

589 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1740-1

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 11 июлдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 июлда эълон қилинган.

қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан,
буюраман:

1. «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шакллари тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1740, 2007 йил 21 ноябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг 2018 йил 30 июндаги СС-В-02/09-2632-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2007 йил 5 октябрда ЭГ-01/10-5248, 01-02/6-28, 2007-55-сон билан тасдиқланган «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шакллари тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор (рўйхат рақами 1740, 2007 йил 21 ноябрь) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 июль,
367-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**590 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 505-1

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 11 июлдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Пудрат ишлар ва хизматларни экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомни (рўйхат рақами 505, 1998 йил 20 октябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг 2018 йил 30 июндаги СС-В-02/09-2632-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 1998 йил 28 июлда 34-01/06-4438-сон, Давлат божхона кўмитаси томонидан 1998 йил 29 июлда 02/20-25-сон, Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 30 июлда 39-сон ва Давлат солиқ кўмитаси томонидан 1998 йил 30 июлда 98-107-сон билан тасдиқланган Пудрат ишлар ва хизматларни экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 505, 1998 йил 20 октябрь) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 июлда эълон қилинган.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 июль,
368-мҲ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 7 июлдан 13 июлгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 28 майдаги 3-Б-сон «Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2798-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2018 йил 7 июндаги 44, 1/212-сон «Юк автотранспорт воситаларини «Қамчик» довонидан ўтиши ва ҳаракатланиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 9 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2391-1.

3. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 21 майдаги 173-сон «Маълумотларни узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3038.

4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 5 июлдаги 11-2018-сон «Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2686-2.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 27 июндаги 175-сон «Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнфинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041-2.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмак-

лашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 22 июндаги 01-16-1-10/29, 319-В-3, 22-сон «Танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2181-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 30 июндаги 22/4, 01-02/15-53-сон «Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 716-7.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 367-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1740-1.

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 368-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 505-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2181, 2011 йил 13 январь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2181-1, 2014 йил 12 май), (рўйхат рақами 2181-2, 2017 йил 30 май).

Адлия вазирининг 2018 йил 11 июлдаги 365-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат божхона қўмитасининг Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномаси (рўйхат рақами 716, 1999 йил 7 май),

шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 716-1, 2001 йил 14 июль), (рўйхат рақами 716-2, 2003 йил 22 август), (рўйхат рақами 716-3, 2004 йил 21 апрель), (рўйхат рақами 716-4, 2015 йил 28 май), (рўйхат рақами 716-5, 2016 йил 26 август), (рўйхат рақами 716-6, 2017 йил 3 ноябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 11 июлдаги 366-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шакллари тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1740, 2007 йил 21 ноябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 367-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Пудрат ишлар ва хизматларни экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низоми» (рўйхат рақами 505, 1998 йил 20 октябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 368-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

